БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ИИЛ ЧИҚИШИ

№ 251 (4710).

22 ДЕКАБРЬ ЖУМА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 3 тийин

Кеча Москвада КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси бўлди. Мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» доклад қилди.

ССР Иттифоқининг олтин юбилейи тантаналари партия билан халқ монолит бирлигининг, ленинча миллий сиёсатнинг яна бир ёрқин намойишига айланди.

МОСКВА. 21 декабрь. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси. Суратда: Мажлис президиуми. Минбарда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси орқали олинган.

КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1972 йил 21 декабрь куни эрталаб соат 10 да Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси очилди.

Мажлиси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ очди.

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги тўғрисида» Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, Советларнинг Бутуниттифоқ 1 съезди делегатлари, партия ветеранлари ва Совет давлатининг кекса арбоблари, Москва шаҳри ва Москва области меҳнаткашларининг вакиллари, Совет Армияси ва флотининг жангчилари, фан адабиёт ва санъат арбоблари, марказий давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбар ходимлари қатнашмоқдалар.

Қўшма тантанали мажлисда социалистик мамлакатларнинг партия-давлат делегациялари, кўпгина чет эл мамлакатларининг давлат арбоблари, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар Коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари, миллий-демократик ва сўл социалистик партияларнинг делегациялари, Жаҳон касаба союзларининг, Жаҳон тинчлик кенгашининг, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг, Халқаро хотин-қизлар демократик федерациясининг, Қаршилик курашчилари халқаро федерациясининг, Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг, Халқаро студентлар иттифоқининг, Халқаро журналистлар ташкилотининг, Халқаро кооператив альянсининг делегациялари, миллий касаба союзлари, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотларининг, СССР билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи жамиятларнинг делегациялари, дипломатия корпуси, совет ва чет эл матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ М. С. СОЛОМЕНЦЕВ Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Шундан кейин тантанали мажлис қатнашчилари қизғин кутиб олган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Эдвард ГЕРЕК нутқ сўзлади.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ Украина Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Эрих ХОНЕККЕР нутқини қизғин кутиб олдилар.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. М. МАШЕРОВ Белоруссия Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВДР миллат мажлиси Доимий комитетининг раиси ўртоқ Чионг ТИНЬ сўзга чиқиб, Америка империализмига қарши курашда ёрдам ва мадад бераётганликлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, бутун совет халқига чуқур миннатдорчилик сўзлари айтиб, Вьетнам Демократик Республикасининг қаҳрамон халқи номидан қардошларча табриклади. У совет халқига байроқ тортиқ қилди. Тантанали мажлис қатнашчилари ўз ватанийинг озодлиги ва мустақиллиги учун фидокорона ва мардонавор курашаётган халқ вакилини қизғин табриклдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади.

Мажлисда ҳозир бўлганлар қизғин кутиб олган Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Жорж МАРШЕ сўзга чиқди.

Залда «Биз—Ёш гвардиячилармиз» қўшиғи куйи янграйди. Мажлис ҳамма қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида шонли совет ёшларининг, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар ёш авлодининг мамлакат студентлари ва ўқувчиларининг вакиллари—ҳамма иттифоқдош республикалардан келган комсомоллар ва пионерлар кириб келадилар. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Советига, РСФСР Олий Советига табрик сўзлари билан мурожаат қиладилар ва Ленин комсомолининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган куннинг 50 йиллиги шарафига рапортини топшиладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари 1915 йилдан КПСС аъзоси, Советларнинг Бутуниттифоқ биринчи съезди делегати ўртоқ В. П. ВИНОГРАДОВ нутқини самимий кутиб олдилар.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Ватанимизнинг қардош халқлари ўз тарихларидаги катта ва порлоқ сана — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигига 50 йил тўлганлигини кутиб олмоқдалар. Ленин асос солган Совет Иттифоқи инсоният тарихида мисли кўрилмаган ҳур миллат ва элатлар қардошларча дўстлиги, бирлиги муносабатлари тантана қилаётган янги дунёни мужассамлантиради. Ўзининг жанговар авангарди—Коммунистик партия тевараги-да мустаҳкам жипслашган, Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигидаги совет халқи улуғ байрамга коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида эришилган янги-янги муваффақиятлар билан келмоқда. 21 декабрь куни Кремлдаги съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисига мамлакатимизда яшаётган барча халқлар ва миллатларнинг намояндалари йиғилишди. Улар тарихий сана—ССР Иттифоқи ярим асрлик юбилейини нишонлагани Ватанимиздаги барча республикалар, ўлкалар ва областлардан пойтахтга келишди. Кремлдаги съездлар саройида байрамимизга келган чет мамлакатлар делегациялари ҳозир бўлди.

Эрталаб соат 10. Тантанали мажлис қатнашчилари ва кўпдан кўп меҳмонлар Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқларни узоқ давом этган қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган социалистик мамлакатлар партия-давлат делегацияларининг бошлиқлари: Т. Живков, Я. Кадар, Чионг Тинь, Э. Хонеккер, Цой Ен Ген, Фидель Кастро Рус, Ю. Цеденбал, Э. Герек, Н. Чаушеску, Г. Гусак, Р. Дугонич ўртоқлар; қардош партиялар делегацияларининг раҳбарлари: Жорж Марше, Энрико Берлингуэр, Уйльям Каштан, Нгуен Тхи Бинь, Алваро Куньян, Курт Бахман, Родней Арисменди, Луис Карлос Престес, Хесус Фариа, Кнуд Есперсен, Ш. А. Данге, Долорес Ибаррури, Холид Багдаш, Гэс Холл ва Генри Уинстон, Аарне Саринен ўртоқлар улар билан бирга президиумга чиқадилар.

ССР Иттифоқи 50 йиллиги байрамига таклиф қилинган ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари: Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Кекконен, Ҳиндистон вице-президенти Г. С. Патхак, Чили Республикаси ҳукуматининг бош секретари Ёрнан Дель Канто, Шри Ланка Республикасининг кема қатнови ва туризм министри П. Б. Г. Калугалла ва бошқалар ҳам шу ерда.

Тантанали мажлис президиумида партия ветеранлари, Советларнинг Бутуниттифоқ биринчи съезди қатнашчилари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, совет ҳарбий саркардалари ўтиришибди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний кириш нутқи сўзлаб, қўшма тантанали мажлисни очди.

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз ўртоқлар! Муҳтарам чет эллик меҳмонлар!

Шу кунларда Ватанимиз халқлари жуда катта воқеани, ўзларининг улуғ байрамини — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини тантанали нишонламоқдалар.

Жаҳонда меҳнаткашларнинг биринчи кўп миллатли иттифоқдош давлатининг бунёд этилишини Октябрь революциясидан кейин ҳақиқатда мамлакатимиз тарихида жуда катта босқич деб ҳисоблаш мумкин. Пролетар революцияси кишини киши эксплуатация қилишини тугатиб, миллий тенгсизлик ва жабр-зулмга барҳам берди, озод этилган халқларни жипслаштириш, Совет республикаларини ягона давлат иттифоқига бирлаштириш сари йўл очди.

Дўстлик ва қардошлик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ёрдам принциплари миллатлар ўртасида янги, аввал мисли кўрилмаган муносабатлар учун мустаҳкам пойдевор бўлди. Меҳнат аҳлига гўшунарли ва азиз мана шу принципларнинг таъсири эксплуататор синфлар ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш мақсадида қўлланаётган ҳар қандай зўровонликдан кучлироқ бўлиб чиқди.

Собиқ Россия империяси, миллий зулмнинг ана шу истеҳкоми вайроналарида янги жамият қуришдан иборат муштарак улуғвор мақсад билан бир ёқадан бош чиқарган барча миллат меҳнаткашларининг ихтиёрий иттифоқи вужудга келди. Бу иттифоқ революция ва гражданлар уруши ўчоғида тобланди, дастлабки беш йилликлар мобайнида куч-қувватга тўлди, Улуғ Ватан урушининг қаттиқ синовига бардош берди. Барча халқларнинг биргаликдаги куч-қувватлари туфайли Совет Иттифоқи бузилмас, равнақ топаверадиган давлат бўлиб қолди.

Қардошларча дўстлик ва интернационал бирдамлик бамисоли қудратли шунқор қанотлари сингари, мамлакатимиз халқларининг асрий қолоқликдан ижтимоий тараққиёт чўқиларидан сари кўтарилишига, совет тузуми афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишига ёрдам берди. Бизнинг шиҳоат билан юксалишимизни, коммунизм сари ғолибона ҳаракатимизни жаҳонда тўхтата бладиган куч йўқ!

Шу юбилей айёмида Совет кишиларининг фикр-зикри, энг яхши ҳис-туйғулари партия билан халқнинг йўлбошчиси Владимир Ильич Ленинга, даҳоси биринчи социализм мамлакатининг бутун ранг-баранг ҳаётини, кўп миллатли совет давлати тараққиёт йўлини нурафшон қилган кишига қайта-қайта қаратиляпти.

Биз халқларни озод этиш учун, уларнинг дўстлиги ва бирлигини мустаҳкамлаш учун курашган минг-минглаб маълум ва номаълум қаҳрамонлар, мард ва матонатли курашчилар жасоратини ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан эслаймиз.

Биз партия ва давлат ветеранларига — ССР Иттифоқини бунёдга келтириш ва мустаҳкамлашдан иборат улуғ ишнинг актив қатнашчиларига ғоят зўр ҳурмат-эҳтиром билан қараймиз. Биз уларга астойдил миннатдорчилик сўзларини айтамиз, уларни қизғин табриклаймиз!

ССРнинг барпо этилиши ва ривожланиши қаҳрамон ишчилар синфимиз билан чамбарчас боғланган: Барча миллатлар пролетарларининг бирлиги Совет халқлари иттифоқининг негизи бўлди. Пролетариатнинг программ мақсадлари ва вазифалари бутун меҳнаткаш оммаларнинг ҳам бойлиги бўлиб қолди, социализм учун кураш умумий платформасини ташкил этди. Ишчилар синфи, образли қилиб айтсак, давримизнинг ҳукмкор синфи қудратли революцион куч, интернационализм, халқлар дўстлиги ва қардошлиги ғояларининг байроқдори бўлиб келди, шундай бўлиб қолади.

Бизнинг чинакам тарихий зафарларимиз замирида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати бор. Партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда, шу юбилей йилининг социалистик мажбуриятлари бажарилишида, Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда Совет халқининг юксак ватанпарварлиги яққол намоён бўлмоқда.

Ўртоқлар, тантанали мажлисимиз иштирокчилари номидан ишчиларни, колхозчиларни, зиёлиларни, Совет Армияси ва Флотининг жангчиларини, барча совет кишиларини эришилган ажойиб ютуқлар, меҳнат зафарлари билан, дўстлик ва бирлик умумхалқ байрами билан самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

(Давоми 6-бетда).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ доклади

Азиз ўртоқлар! Ҳурматли чет эллик меҳмонлар!

Шу кунларда совет кишилари Кремлдаги Спасский минораси курантларининг бонгига айниқса тўлқинланиб қулоқ солмоқдалар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган кундан бери эллик йил ўтганлигини Совет давлатининг энг катта соати санаб берадиган вақт яқинлашмоқда. Бугун биз кўп миллатли иттифоқдош давлатимизнинг мана шу шонли юбилейини ҳурматли чет эллик меҳмонларимиз билан бирга тантанали вазиятда нишонламоқ учун тўпландик.

ССР Иттифоқи ташкил этилганлиги инсоннят тараққиётида янги давр очиб берган Улуғ Октябрь ишининг бевосита давоми, эркин миллатларнинг ихтиёрий иттифоқи тўғрисида улуғ Ленин ғояларининг амалдаги мужассами бўлди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ярим асрлик тарихи — Совет Социалистик давлати доирасида бирлашган барча халқлар бузилмас бирлиги ва дўстлигининг пайдо бўлиш тарихидир. Бу тарих социалистик революция вужудга келтирган ва ҳозирги кунда жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири бўлиб қолган давлатнинг мисли кўрилмаган даражада ўсиши ва ҳар томонлама ривожланиши тарихидир. Бу тарих — шу давлат байроғи остида жипслашган барча республикаларнинг, мамлакатда яшаб турган барча миллатлар ва элатларнинг вояга етиш ҳамда иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан чинакам равнақ топиш тарихидир.

Азиз ватандошлар! Ўртоқлар!

СССР юбилейининг тарихий кунларида барча авлодга мансуб миллион-миллион совет кишиларига чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қиламиз. Узининг революцион шижоати ва фидокорона меҳнати билан улуғ Совет Иттифоқини барпо қилган ва қурганларга, хавф-хатарлар пайтида унинг озодлигини, мустақиллигини ва шон-шарафини тарихда бўлиб ўтган ҳамма урушлардан ҳам энг оғир бўлган урушда қаҳрамонлик билан сақлаб қолганларга, Совет мамлакатининг шуҳрати ва қудратини яшнатиб, эндиликда коммунистик эртанги кунга олиб борадиган йўлни бутун инсониятга очиб бераётганларга мурожаат қиламиз.

Бизнинг жуда чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик ҳисларимиз эркин халқларнинг ленинча иттифоқига чексиз содиқ бўлганларнинг, ўз меҳнати ва дилининг ҳарорати билан севикли Ватанимизни кундан-кунга тобора қудратлироқ ва гўзалроқ қилаётганларнинг ҳаммасига — шонли ишчилар синфига ва колхоз далаларининг меҳнатчиларига, знёлиларимизга, Совет Армиясининг шавкатли жангчиларига, ажойиб хотин-қизларимизга изҳор қиламиз. Биз кекса авлодларнинг эстафетасини муносиб равишда қабул қилиб олаётган ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эрамизнинг учинчи минг йиллиги бошланишида қандай бўлишини кўп жиҳатдан ҳал қиладиган ёшларимизга табрик сўзлари билан мурожаат қиламиз.

Сизларнинг ҳаммангизни улкан байрам билан табриклаймиз, азиз ўртоқлар!

Иттифоқдош социалистик кўп миллатли давлатимизнинг олтин юбилейи билан табриклаймиз!

I. СССРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИ — ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТНИНГ ТАНТАНАСИ

Ўртоқлар! Мана шу юбилей кунларида, табиийдирки, биз 1922 йил декабрининг биздан узоқлашиб бораётган кунларини, Советларнинг биринчи Бутуниттифоқ съезди Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги Декларация ва Шартномани қабул қилган кунларни ўйлаймиз. Тарихий фактларни нечоғлик кўп ўйласак, Октябрь революциясининг муваффақиятларини ва ундан кейин амалга оширилган тубли социал ўзгаришларни тенг ҳуқуқли совет республикаларининг бузилмас иттифоқини вужудга келтириш билан мустаҳкамлаган Ленин партиясининг донишмандлиги шу қадар равшанроқ бўлиб кўринаверади.

Чоризм асоратидан, буржуазия ва помещиклар асоратидан озод бўлган халқларни маҳкамроқ жипслаштириш мамлакатимизда революция душманларига қарши курашмоқ ва социализм ғалабасини таъминламоқ учун зарур эди. Эски дунёни емириш,эксплуататорлар тузумини яксон килиш, пролетариат диктатурасини ўрнатиш, ишлаб чиқариш воситаларини ижтимоий мулкка айлантириш шиддатли синфий кураш билан бирга давом этди ва бу кураш граждан урушига айланиб кетди. Ички контрреволюциянинг ва жаҳон империализминнинг кучлари ёш Совет мамлакати устига ёпирилди.

Ишчилар синфи революция туфайли вужудга келган пролетар бирдамлигининг улуғ кучини бирлашган контрреволюцияга қарши қўйди. Мамлакатнинг марказий районларида, Украина ва Волга бўйи даштларида, Дон ва Кубанда, Оқ денгиз бўйларида ва Кавказ тоғларида, Ўрта Осиё чўлларида ва узоқ Амур бўйларида Ватанимиздаги барча халқларнинг фарзандлари Қизил Армиянинг ол байроқлари остида ёнма-ён туриб душман билан жанг қилдилар. Улар биргалашиб тинчлик учун, ғалба ва ер учун, Советлар ҳокимияти учун жангга бордилар. Улуғ Октябрнинг унутилмас кунларида бўлганидек, граждан уруши йилларида ҳам ишчилар синфининг, бутун меҳнаткаш халқнинг интернационал жипслиги ғалабамизнинг ҳаётбахш манбаларидан бири бўлди. Октябрдан кейинги ўша дастлабки йилларнинг ўзидаёқ ўша вақтда ўзаро тузилган бир қанча шартномаларда расмийлашган мавжуд барча совет республикаларининг мустаҳкам сиёсий, ҳарбий, хўжалик, дипломатик иттифоқи вужудга келди.

Граждан уруш тугади. Революция душманлари тор-мор келтирилди, тинч қуриляш даври бошланди. Табиийдирки, совет республикаларининг ҳар бири олдида энди нима қилиш керак, қай тарздаги давлат формасини танлаб олиш керак, қардош республикалар билан ўзаро муносабатимизни қандай қилиб қуриш керак, деган савол пайдо бўлди.

Россиядаги уч революциянинг тажрибаси большевиклар партиясининг интернационалистик шиорлари, сулҳ ва ер тўғрисидаги декретлар, коммунистларнинг бутун сиёсати, Ленин коминнинг ўзи меҳнаткашлар оммаси учун янги ҳаёт йўлида биргаликда олиб бориладиган кураш символи бўлиб қолди. Ишчилар синфи, барча миллатларнинг меҳнаткашлари бундан олдинги йилларда катта-катта самаралар берган бирликни мустаҳкамлашга интилавердилар.

Барча совет республикалари социализм қуриш йўлидан олга бормоқ учун аввало вайронгарчиликни бартараф қилишлари урушлар натижасида тилка-пора бўлган ишлаб чиқарувчи кучларни қайта тиклаб олишлари, қолоқликни тугатишлари, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашлари керак эди. Хўжаликни ягона план асосида ривожлантириш, мамлакатнинг айрим районлари ўртасидаги меҳнат тақсимотининг имкониятларидан рационал равишда фойдаланиш йўли билан мана шу вазифаларни тезроқ ва муваффақиятлироқ ҳал қилиш мумкин эди.

Ниҳоят, янги империалистик интервенция ҳавфи ҳам ҳали йўқолмаган эди. Қардош республикаларнинг мустаҳкам иттифоқи бўлмай туриб, уларнинг ҳарбий, сиёсий ва дипломатик куч ва ғайратларини тўла равишда бирлаштирмай туриб, Совет ҳокимиятини, ҳарбий жиҳатдан кучли капиталистик давлатлар қуршовида турган Ватаннинг мустақиллигини сақлаб қолиш қийин эди.

Шундай қилиб, барча совет халқларининг туб манфаатлари, мамлакатимизда социализм учун олиб борилаётган курашнинг бутун мантиқи бирлашган кўп миллатли социалистик давлат ташкил этишни талаб қилар эди. Лекин бундай давлатни вужудга келтирмоқ учун партиянинг ташкилотчилик роли, унинг тўғри сиёсати, унинг муайян мақсадга йўналтирилган фаолияти зарур эди.

Шундай сиёсат юритиш учун эса Коммунистлар партиясининг зарур назарий негизи: миллий масалага доир марксча-ленинча таълимот мавжуд эди. Бу таълимот социалистик революция назариясининг муҳим таркибий қисми эди.

Коммунистлар ҳар доим миллий масалага синфий кураш нуқтаи назаридан қараб келдилар. Бу масалани ҳал этишни революция манфаатларига, социализм манфаатларига бўйсундириш лозим, деб ҳисоблаб келдилар. Худди шу важдан коммунистлар, социализм учун курашувчилар меҳнаткашларнинг қайси миллатга мансуб бўлишларидан қатъий назар уларни зулмнинг ҳамма турларига қарши меҳнаткашларни эксплуатация қилишдан холи бўлган янги ижтимоий тузум учун муштарак курашда бирлаштиришни миллий масаладаги энг асосий вазифа деб ҳисоблайдилар.

Владимир Ильич Ленин бу тўғрида ниҳоят даражада равшанлик билан: «...Биз то охиригача интернационалистлармиз ва ҳамма миллат ишчи ва деҳқонларининг **ихтиёрий** иттифоқига интиламиз...» (Асарлар, 29-том, 194-бет) деган эди.

Лекин бу иттифоқ қандай негизда вужудга келтирилиши мумкин? В. И. Ленин ғоят амин бўлиб шуни айтган эдики, бундай иттифоқ шу иттифоқда қатнашувчиларнинг ҳаммасининг тўла тенг ҳуқуқлилиги ва бир-бирини ҳурматлаши асосидагина вужудга келтирилиши мумкин. «Биз миллатларнинг **ихтиёрий** иттифоқини, — бир миллатнг иккинчи миллат устидан ҳеч қандай зўрлигига йўл қўймайдиган иттифоқини истаймиз, — деб уқтирган эди Владимир Ильич, — мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрийлик асосидаги келишувга асосланган иттифоқни истаймиз (Асарлар, 30-том, 315-бет).

Бинобарин, барча миллат меҳнаткашларининг бирлиги — революция ғалабасининг асосий шарт-шароитларидан биридир. Ўз навбатида, социалистик революциянинг ғалабасигина миллий озодлик ишининг тўла тантана қилишини таъминлаши мумкин. Бу тўғрида К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик манифести» даёқ жуда муайянлик билан бундай дейилган: «Миллатлар ичидаги синфларнинг антагонизми тугаши билан бирга миллатларнинг ўзаро душманлик муносабатлари ҳам тугайди».

Миллий масалани марксча-ленинча қўйиш диалектикаси шуки, миллатларни социал ва миллий зулмдан тўла равишда озод қилиш орқали, ҳар бир миллатнинг ривожланиши учун энг кўп қулай шарт-шароит яратиб бериш орқали уларни жипслаштириш, бирлаштириш, бир-бирига ҳар томонлама яқинлаштириш гомон борилади.

Россиянинг ўзига хос шароити сабабли бу ерда миллий масала айниқса кескин бўлиб қолган эди. Чор Россиясининг эксплуататор синфлари «аввал орани бўл, сўнгра қўқи бўл» деган принципга, эзувчилар ҳамма даврларда ўтказиб келган мана шу принципга амал қилиб миллий адоват ва душманликни қасддан кучайтиравердилар. Гарчи чор Россияси ўша даврнинг энг катта давлатларидан бири бўлса ҳам, унинг ўзини империалистлар таламоқда эди. Шу сабабли Советлар мамлакати олдида бир томондан мамлакат ичидаги миллатлар ва элатлар ўртасида принципиал янги муносабатлар қуриш — ишонч, дўстлик, қардошларча ҳамкорлик муносабатларини қуриш масаласи турган бўлса, иккинчи томондан — ёш Совет давлатининг миллий мустақиллигини ҳалқаро муносабатларда ҳимоя қилиш ва таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиб турди.

Ўзининг демократизми билан мақтаниб юрган ҳатто энг ривожланган капиталистик давлатлар ҳам қилолмаган ва қилолмайдиган ишни бизнинг партиямиз қилиши керак эди. АҚШ, Канада, Бельгияда ҳозирги кунда ҳам миллий масала жуда кескин масала бўлиб қолаётганлиги очиқ кўриниб турган факт-ку ахир. Буюк Британия тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади, чунки у ерда инглиз империализми ўз ҳуқуқлари учун курашга кўтарилган Шимолий Ирландия халқига қарши кўп йиллардан бери шафқатсиз уруш олиб бормоқда.

Совет давлати тузилганидан кейин орадан бир ҳафта вақт ўтиши биланоқ, машҳур «Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси»га: Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги, халқларнинг то ажралиб чиқиб, мустакил давлат тузишгача ўз тақдирини ихтиёрий равишда белгилаш ҳуқуқи, барча ва ҳар қандай миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чеклашлар бекор қилинганлиги, майда миллатларнинг эркин ривожланиши, Россия халқларининг ихтиёрий ва одилона иттифоқи, уларнинг бир-бирига тўла-тўкис ишониши зарурлиги Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг асослари қилиб ёзиб қўйилди.

Октябрдан кейинги дастлабки йилларда В. И. Ленин бошчилигида партия миллий давлат қурилиши соҳасидаги ўз сиёсатини меҳнаткашларга тушунтириб, омма орасида жуда катта иш олиб борди. Бу ишда партиянинг кўзга кўринган арбоблари — М. И. Калинин ва Ф. Э. Дзержинский, Я. М. Свердлов ва И. В. Сталин. С. М. Киров ва Г. К. Орджоникидзе, М. В. Фрунзе ва С. Г. Шаумян, Г. И. Петровский ва А. Г. Червяков, Н. Наримонов ва А. Т. Жангилдин, П. И. Стучка ва М. Г. Цхакая ва бошқа кўпгина ўртоқлар актив қатнашдилар.

Кўп миллатли социалистик давлат барпо қилиш тарихий ишига партия ўзининг революцион ғайратини, ўзининг жуда катта меҳнати ва иродасини сарфлади. РКП(б)нинг X съезди қайд қилиб ўтганидек, совет тузуми ўрнатилганлиги, партия амалга ошириган чоралар «...Россия миллатларининг меҳнаткашлар оммаси ўртасидаги муносабатларни бутунлай ўзгартириб юборди, эски миллий душманликка барҳам берди, миллий зулмнинг заминини йўқотди ва фақат Россиядагина эмас, бу билан бирга Европада ҳам, Осиёда ҳам рус ишчиларига ўзга миллатлардан бўлган қардошларининг ишончини таъминлади, бу ишончни зўр ғайрат даражасига, умумий иш учун курашга тайёр бўлиб туриш даражасига етказди...».

Партиянинг омма орасида олиб борган иши, РСФСР, Украина, Белоруссия, Закавказье Федерацияси, Автоном республикаларнинг миллий қурилиш борасида ўша вақтнинг ўзигача тўпланган тажрибаси, барча республикаларда бошланган бирлашиш ҳаракатининг қудратли тўлқини — мана шуларнинг ҳаммаси ягона социалистик давлат барпо қилишга йўл очиб берди.

Бироқ, иттифоқнинг шундай давлат формаларини, умумиттифоқ органлари ва республикалари ҳуқуқларининг шундай нисбатини топиш керак эдики, булар бирлик ишининг муваффақият қозонишини энг кўп даражада таъминлайдиган бўлиши керак эди.

1922 йилнинг кузида шу масалалар устида авж олиб кетган мунозара чоғида ҳар хил тенденциялар ғорлиги маълум бўлиб қолди. Баъзилар катта ваколатларга эга бўлган ягона умумдавлат органлари тузмасдан республикаларнинг конфедерациясига ўхшаш қандайдир форма билан чекланиб қўя қолиш мумкин деб ҳисобладилар. Баъзилар эса, «автономлаштириш» деб аталган формани, яъни барча қардош республикаларнинг автономия ҳуқуқлари билан РСФСР составига киришини таклиф қилдилар. Бу янглиш икки тенденцияни бартараф қилиш, бирдан-бир тўғри йўл топиб олиш учун Ленининг даҳоси зарур бўлди.

Владимир Ильич тенг ҳуқуқли республикаларнинг ихтиёрий иттифоқи шаклида ягона иттифоқдош давлат тузиш планини таклиф қилди. Революция вужудга келтирган ва ўзининг ҳаётий кучини амалда исботлаб кўрсатган Советлар ҳокимияти бундай иттифоқдош давлатнинг табиий негизи бўлди. РКП (б) Марказий Комитетининг пленуми Ленининг ташаббусини қувватлаб, 1922 йил 6 октябрда «Украина, Белоруссия, Закавказье Республикалари Федерацияси ва РСФСРни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлаштириш тўғрисида улар ўртасида шартнома тузиш» зарур деб топди.

30 декабрда Москвада Советларнинг Бутуниттифоқ биринчи съезди ўз ишини бошлади. Съезд Украина, Белоруссия, Закавказье ва РСФСР Советлари съездлари қўйган таклифга жавобан жаҳонда биринчи кўп миллатли социалистик давлат — Совет Социалистик Республикадари Иттифоқи тузиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди.

Бу воқеа Совет ҳокимияти, ишчи ва деҳқонлар ҳокимияти дастлабки беш йил давомида яшаб келаётганлигининг муносиб якуни бўлди. Революция вужудга келтирган ҳокимият барча бўронларга, мушкулликларга ва хавф-хатарларга бардош беришгина қолмай, шу билан бирга кўп миллатли Ватанимиз меҳнаткашларини ягона қудратли Совет Иттифоқига ҳам жипслаштирди!

Худди ўша куни 1922 йил 30 декабрда шонли Москвамиз Совет Иттифоқининг пойтахти қилиб танлаб олинди.

Хуллас, 1922 йил 30 декабрь куни — давлатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам тарихий сана, барча совет халқларининг тақдирида муҳим босқич, уларнинг катта байрами. Бизда Конституция куни бор. Мана шу икки байрамни бундан кейин бирлаштириб 30 декабрни СССР ташкил этилган кун деб нишонласак бўлмасмикин. — Бу халқларимизнинг дўстлик ва қардошлик куни, социалистик интернационализм байрами бўлади!

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи барпо этилганлиги, кейинчалик янги бир қанча Иттифоқдош республикалар тузилганлиги ва улар шу иттифоққа кирганлиги социализм қуришда мамлакатимиз халқларининг кучи ва имкониятларини кўпайтириб юборди. Улуғ Социалистик давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — жаҳон майдонида тинчлик, ер юзидаги барча халқларнинг эркинлиги ва мустақиллиги учун жуда катта фойдали бўлган ўзига муносиб ўринни олди.

М. И. Калинин Советларнинг Бутуниоссия X съездини ёпатуриб сўзлаган нутқида бундай деган эди: «РСФСРнинг номи биз учун қадрли эмасми ахир! Бу ном бизга қадрли ном. Бу номга биз ҳарбий жанглар оловида эришдик... Бешта табаррук ҳарфлардан таркиб топган РСФСРнинг қизил байроғи бошимизда хилпираётганини кўриб турибман. Шу сабабли биз Советлар, X съезднинг делегатлари, бутун Совет Россия Федерациясининг ваколатли намояндалари жанглар ва ғалабалар тимсоли бўлган, ишчи ва деҳқонларнинг берган қурбонлари билан мустаҳкамланган мана шу азиз байроқни Совет Республикалари Иттифоқи олдида эгамиз. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг янги қизил байроғи кўтарилаётганлигини кўриб турибмиз. Мен, ўртоқлар, бу байроқни ўртоқ Ленин қўлида кўриб турибман. Бинобарин, ўртоқлар, олға бораверайлик, жаҳондаги барча меҳнаткашлар ва мазлумлар кўра оладиган қилиб бу байроқни баланд кўтарингиз».

Мана ярим асрдирки, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бу зафарли қизил байроғи коммунистик идеалларнинг — социал адолат, тинчлик, дўстлик ва халқларнинг қардошларча ҳамкорлиги идеалларининг улуғворлигини ўзида мужассамлаштириб, маҳрурона хилпираб турибди. Бу байроқ меҳнатда ва жангда, зўр шодлик кунларида ва оғир синов соатларида бизни руҳлантириб турди. Бизнинг ҳозирги юбилейимизни ҳам бутун совет халқининг шонли байроғимизга содиқлигининг, улуғ иттифоқимизга содиқлигининг тантанали қасамёди, коммунизмнинг муқаддас идеалларига содиқлигининг қасамёди деса бўлади!

II. СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС БИРЛИГИ ВА ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИГИ — СОЦИАЛИЗМНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

Ўртоқлар! Мамлакатнинг барча халқлари ягона бир иттифоққа бирлаштирилганлиги, кўп миллатли ягона социалистик давлат барпо этилганлиги Ватанимизни социал, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий эттириш учун мислсиз имкониятлар очиб берди. Тарихнинг ўзи ўз одимини жадлаштиргандек бўлди.

Қўйидаги рақамларнинг маъзини чақиб кўринг, ўртоқлар. Совет Иттифоқи ташкил этилгандан кейин ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 320 баравар кўпайди. Лекин: 1922 йил билан таққослаш ибратли эмас — чунки у урушдан кейинги вайронгарчилик ва очарчилик йили эди, дейишлари мумкин. Дарҳақиқат шундай. У ҳолда 1972 йилни урушдан аввалги 1940 йил билан таққослаб кўрайлик. Ўша пайтда мамлакатимиз революциядан аввалги даражадан кўп марта ўзиб кетган эди. Шу вақтнинг ўзи мобайнида Совет Иттифоқи саноат маҳсулотининг ҳажми 14 баравар кўпайди. Эндиликда Совет саноати бир ой ичида бутун 1940 йилдагидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Совет Иттифоқининг экономикаси гуркираб ўсганлиги мамлакатимиздаги барча халқлар фаровонлиги ва маданиятини муттасил юксалтириш учун пухта замин яратди. 1940 йилга нисбатан аҳолининг реал даромадлари 4 баравардан знёд ошди, чакана товар оборoти етти баравардан знёд кўпайди. Мамлакатдаги врачлар 4,7 баравар, олий, тўлиқ ва тўлиқсиз ўрта маълумот олган гражданлар олти ярим баравар кўпайди.

Бу рақамлар экономикада, ижтимоий-сиёсий муносабатларда, идеология ва маданиятда чуқур ўзгартишлар қилинганлигини, бу эса бутун жамиятимиз қиёфасини ўзгартириб юборганлигини билдиради. Бундай ўзгаришлар орасида мамлакатимизнинг ҳамма халқлари ўртасида ҳаётга сингиб кетган янги, социалистик муносабатлар муҳим ўрин олади.

Миллий зулм ва тенгсизликнинг ҳамма оқибатларини бартараф этиш учун хатто жуда яхши, жуда адолатли қонунларни қабул қилишнинг ўзи кифоя қилмаслигини партиямиз яхши тушинар эди. Илгари эзилиб келган миллатлар ва элатларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини бартараф этиш ҳам керак эди. Бошқа сўзлар билан айтганда миллатларнинг юридик тенгсизлигини бекор қилишнинг ўзи кифоя қилмас эди, улар ўртасидаги ҳақиқий тенгсизликни ҳам тугатиш лозим эди. Шу вазифани ҳал этиш партиянинг энг асосий сиёсий мақсадларидан бири бўлиб қолди.

Биз ўтган ярим аср мобайнидаги қаҳрамонона ишларни якунлар эканмиз, бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган миллий масала тўла-тўкис, батамом ва узил-кесил ҳал этилди, деб тўла асос билан айта оламиз. Бу — СССРда янги жамият қуришда индустриялаш, коллективлаштириш, маданий революция сингари ғалабалар билан ҳаҳли равишда бир каторга қўйиш мумкин бўлган ютуқдир.

Мамлакатимизда қайси миллатга мансублигидан қатъий назар синфий манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги билан бирлашган меҳнат аҳлларининг буюк биродарлиги туғилиб, мустаҳкамланди, биз ҳақли равишда халқларнинг ленинча дўстлиги деб атаётган, тарихда мисли кўрилмаган муносабатлар таркиб топди. Бу дўстлик — бизнинг бебаҳо мулкимиздир, социализмнинг ҳар бир совет кишиси дилига жуда азиз бўлган энг катта ғалабаларидан биридир, ўртоқлар. Зотан биз, совет кишилари бу дўстликни ҳамиша кўз қорачиғидек асраймиз!

Эндиликда, Иттифоқимизнинг эллик йиллиги кунларида миллий масала ҳал этилганлиги, илгари эзилиб келган миллатларнинг қолоқлиги тугатилганлиги совет кишиларига мутлақо табиий ва одатдаги бир ҳол бўлиб туюлмоқда. Лекин ўз олдига ана шундай мақсадни қўйиб, унга эриша олган большевиклар партиясининг донолигинигина эмас, шу билан бирга жасорати ва изчиллигини ҳам англамоқ учун қилинган ишларнинг кўлами ва мураккаблигини эслаб ўтиш лозим.

Революция пайтида мамлакатимизнинг миллий чекка ўлкаларидаги манзарани бир дақиқа кўз олдимизга келтирайлик. Ўрта Осиё билан Қозоғистон ўзининг хўжалик ривожи жиҳатидан мустамлака мамлакатларга хос даражада турар эди. Аксарият кўпчилик аҳолининг қисмати қаншоқлик, бетоблик, жаҳолатдан иборат эди. Шуни айтиш кифоя қиладики, мутлақо саводсиз кишилар Ўрта Осиё Республикаларида 20-йилларнинг бошларида ҳам аҳолининг 90 процентидан 96 процентигача, Қозоғистонда эса 82 процентига борар эди. Жамиятнинг социал структураси аслида феодал структурадан иборат эди. Закавказьенинг кўпгина районлари ва ҳатто марказга яқин бўлган Белоруссия ҳам иқтисодий жиҳатдан қолоқ эди. Бир неча йирик шаҳарларни истисно қилганда ана шу районларнинг ҳаммаси ўз экономикаси жиҳатидан ҳам, социал қиёфаси жиҳатидан ҳам, маданияти жиҳатидан ҳам, меҳнаткаш аҳолининг турмуш шароитлари жиҳатидан ҳам бамисоли ўтмиш асрларда яшаётгандек эди.

Дарҳақиқат, ўртоқлар, бундан атиги ярим аср муқаддам, ҳали миллион-миллион кишиларнинг эсидан чиқмаган замонларда ана шундай манзара ҳукмрон эди. Биз ишни ана шундай бир пайтда бошладик, бошлаганда ҳам биринчи бўлиб бошладик, чунки Россия пролетарияти ва унинг партияси ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этишда бирон-бир тажрибага таяна олмадилар. Ўша пайтда бундай тажриба мутлақо йўқ эди.

Айни шу шароитларда партия Ленин ташаббуси билан миллий чекка ўлкаларни жадал иқтисодий, маданий ва социал-сиёсий ривожлантириш йўлини тутди.

Утмишда эзилиб келган миллатлар ва элатлар мамлакатнинг бир мунча ривожланган районлари ва аввало рус халқи, унинг ишчилар синфи катта ва ҳар томонлама ёрдам бериши асосидагина амалда бу сиёсатни амалга ошириши мумкинлигини партия билар эди.

Миллий чекка ўлкалар қолоқлигини тугатиш, уларни жадал ривожлантириш йўлида ана шундай ёрдам беришни, зўр куч-ғайрат сарфлашга ва тўғрисини айтганда қурбонлар беришга тайёр бўлиб туришни Ленин Россия пролетариатининг олий интернационал бурчи деб васият қилган эди. Рус ишчилар синфи, рус халқи бу бурчни шараф билан бажардилар. Аслида бу — бутун бир синфнинг, бутун бир халқнинг интернационализм йўлида кўрсатган шонли жасорати бўлди. Ватанимизнинг ҳамма халқлари ана шу жасоратни ҳеч қачон унутмайдилар.

Бу жасоратнинг тарихи революциянинг дастлабки кунлариданоқ бошланди. Ўзи хароб бўлиб, очликда яшаётган Совет Россияси 1918 йилдаёқ Туркистондаги ирригация ишларини ўтказишга бир неча ўн миллион сўм ажратиб берди. Граждан уруши йилларидаёқ Озарбайжонга молиявий, озиқ-овқат ва техника ёрдами бериш тўғрисида қарорлар қабул қилинди, Харьков темирйўлчиларига ва Донбасс шахтёрларига каттакатта маблағлар юборилди, Белоруссия, Арманистон, Совет Литваси ва Латвияси хўжалигига катта мадад берилди.

Тинч қурилиш вазифаларини диққат марказига қўйган партиямизнинг X съезди ўз резолюциясига қуйидагиларни ёзиб қўйди: «Ҳозир, бу мамлакатларда ҳам халқ оммаси помешчиклар ва буржуазияни аёдариб ташлаб, Совет ҳокимиятини эълон қилгандан кейин, партиянинг вазифаси Великорус бўлмаган халқларнинг меҳнаткашлар оммасига илгарилаб кетган Марказий Россияни қувиб етишга ёрдам беришдан... иборат». («КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорларида», I қисм ,632-бет). Шу муносабат билан «Фабрикаларни хом ашё манбалари яқинига кўчириш йўли билан чекка ўлкаларда планли равишда саноат ярата бориш» (ўша ерда, 633-бет) съезднинг директиваларидан бири бўлди. Шунга мувофиқ равишда Закавказье, Ўрта Осиё Республикаларига ва Қозоғистонга кўпгина фабрикалар ва заводлар текинга берилди, шу ерларга инженер-техник ходимлар, малакали ишчилар ва мутахассислар, олимлар, муаллимлар, маданият ходимлари юборилди.

СССРнинг ташкил этилиши миллий чекка ўлкаларни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Уларга берилаётган ёрдам умумиттифоқ хўжалик сиёсатининг изчил ва ҳар томонлама йўли формасини касб этди. Шуни айтиш кифоя қиладики, бир қанча иттифоқдош республикаларнинг бюджетлари кўп йиллар давомида ўзининг ҳаражат қисмини асосан умумиттифоқ бюджетидан берилган дотациялар ҳисобига қоплаб келди. Масалан, 1924—1925 йилларда Туркманистон ССР бюджетидаги ўз даромадлари ҳиссаси 10 процентдан сал ошар эди, холос. Ҳатто Украина сингари катта республика ҳам ўша вақтда ўз бюджети ҳаражат қисмининг 40 процентдан камроғини ўз ҳисобига қоплар эди.

Моддий жиҳатдан энг оғир аҳволда бўлган республикалар ва районларнинг аҳолиси кўп йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиқ ва умумграждан солиқларидан тўла-тўкис ва қисман озод қилинди. Айни вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳарид нархлари илгари қолоқ бўлган районлар хўжалигини ривожлантиришга кўмаклашишни назарда тутиб белгиланган эди.

Қардош иттифоқдош республикаларга маданий қурилишда, маорифни юксалтиришда, кадрлар тайёрлашда жуда катта ёрдам берилди. Мамлакатнинг энг катта марказларидаги олий ўқув юртларида миллий республикалар, областлар ва округлар вакилларининг катта-катта отрядларига таълим берилди. Республикаларнинг ўзида ўнлаб университетлар ва институтлар очилди. Социалистик маданий революция партия иродаси билан тез орада узоқ чекка ўлкаларга ҳам етиб борди.

Партия билан давлатнинг кўп йиллик ниши ажойиб самаралар берди. Бугунги Ўрта Осиё билан Қозоғистонга бир назар ташланг! Бу ерларда сиз Ўзбекистон билан Туркманистоннинг ажойиб пахтазорларини, қозоқларнинг обод бўлган қўриқ ерларини, Қирғизистон билан Тожикистоннинг яшнаб турган боғлари ва янги-янги чорвачилик фермаларини кўрасиз. Бу республикалар Тошкент, Олмаота, Душанба, Фрунзе, Ашхобод сингари катта замонавий кўркам шаҳарларнинг бутун бир туркуми билан шуҳрат топмоқдалар. Бу ерларда металлургия, кончилик ва оғир саноатнинг Жезқазғон ва Қараганда, Павлодар ва Навоий сингари катта-катта марказлари, Норак ГЭСи, Қорақум канали ва шу сингари биринчи даражали гидротехника иншоотлар қад кўтарди. Ўрта Осиё билан Қозоғистон битмас-туганмас нефть ва газ, химия ва ривожланган машинасозлик макони бўлиб қолди.

Иттифоқимиз яшаб келаётган йиллар мобайнида саноат маҳсулотининг ҳажми Қозоғистонда 600 баравар, Тожикистон ССРда 500 баравардан знёд, Қирғизистон ССРда 400 баравардан кўпроқ, Ўзбекистон ССРда салкам 240 баравар, Туркманистон ССРда 130 баравардан кўпроқ ортди. Ўзбекистонда пахтанинг ялпи ҳосили 120 баравар, Туркманистонда 90 баравар кўпайди. Ҳозир Қозоғистон 1922 йилдагидан деярли 30 баравар кўп дон бермоқда.

Қозоғистон ва Ўрта Осиё Республикалари маданий ривожининг якунлари бундан ҳам жозибадор. Амалда улар юз процент саводхонлик даражасига эришдилар. Уларнинг ҳар биридаги аҳолининг салкам ярмиси олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотли кишилардир. Ҳозир Ўзбекистон ССРнинг бир ўзида ишлаб турган олий ва ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар 20-йилларнинг охирларидаги бутун Совет Иттифоқи халқ хўжалигидаги ана шундай маълумотли мутахассислардан кўпдир. Том маънодаги илм-фан вужудга келиб камол топди — республикалардаги академияларда кўп минглаб олимлар самарали меҳнат қилмоқдалар.

Капиталистик дунёда озгинагина ютуқларни ҳам кўпинча «мўъжиза» деб атайдилар. Лекин Совет Ўрта Осиёсида, Совет Қозоғистонида содир бўлган ўзгаришларни, биз, коммунистлар асло ғайри табиий бир нарса деб билмаймиз. Таъбир жойиз бўлса, бу табиий мўъжиза — Совет ҳокимияти учун, социализм учун мамлакатимизда қарор топган халқлар дўстлиги ва қардошлиги муносабатлари учун табиий мўъжизадир.

Бунга Ўрта Осиё билан Қозоғистондан бошқа далилларни ҳам келтириш мумкин. Закавказье республикалари Грузия, Озарбайжон ва Арманистон экономикаси Совет ҳокимияти йиллари мобайнида шаҳдам одимлар билан ривож топди. Уларнинг ҳар бирида саноатнинг энг замонавий тармоқлари барпо этилди, субтропик қишлоқ хўжалиги катта муваффақиятларга эришди. Закавказье халқларининг қадимий маданияти билан санъати равнақ топди ва бойиди. Бу ерда бутун мамлакатга машҳур бўлган йирик илмий институтлар ишлаб турибди.

Ватан уруши йиллари айниқса оғир синовларга бардош берган Белоруссия совет халқларининг қардошлик онласида равнақ топди. Оккупациячилар оёғи остида олов бўлиб ёнган белоруслар диёрида яна кўркам шаҳарлар, қишлоқлар қад кўтарди, йирик янги саноат иншоотлари барпо этилди. Ҳозир Белоруссия саноати ажойиб электрон-ҳисоблаш машиналарини, оғир юк машиналарини, замонавий радио аппаратларни, минерал ўғитларни, синтетик толаларни ишлаб чиқармоқда. Республикада олимлар ва маданият арбобларининг катта отряди ишлаб турибди.

Яқиндагина Молдавия ҳам қолоқ чекка ўлка эди. Уруш даври ва вайронгарчиликлари қайта тиклашга кетган урушдан кейинги дастлабки йилларни ҳисобга олмаганда бу республика совет халқлари онласида кўпи бил

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

(Боши иккинчи бетда).

Бу ғалаба аввало мамлакатимиздаги илғари эзилиб келган қолоқ халқлар бахт-саодатига хизмат қилди. Бу ғалаба умуман улуғ Совет Ватанимиз бахт-саодатига хизмат қилди, чунки у Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини янада қудратли ва жипслашган мамлакатга айлантирди, қардош республикалар бирлигини чинакам бузилмас бирликка айлантирди.

Социалистик тузум, халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик муносабатлари революция пайтида иқтисодий ривожланишнинг нисбатан юқорироқ поғанасида турган республикалар ва районларни ҳам жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди.

Украина шулар жумласига киради. У илгари ҳам мамлакатнинг ривожланган саноат ва қишлоқ хўжалик қисмларидан бири эди. Украин маданияти қадимий ва бой анъаналарга талпар эди. Лекин совет Украинаси ўша марралардан нақадар илгарилаб кетганлигини бир тасаввур қилиб кўринг!

Лоақал машҳур ишчи Донбассни олиб кўрайлик. Эски Юзовкани бир эсланг. Кулбалар қалашиб кетган бу жой ифлос-тор ва нообод эди. Энди уни ҳозирги йирик замонавий Донецк шаҳрига айланган Юзовка билан таққослаб кўринг. Энди бу ерда кенг проспектлар ва ям-яшил парклар, обод уйжой бинолари, гўзал стадионлар ва маданият саройларини кўрасиз. Революциядан аввалги Донецк шахтёрининг ҳаётини, унинг аянчли меҳнат ва турмуш шароитини бир эсланг. Бу ҳаётни Донецк шахтёри ёки Кривой-рог кончисининг ҳозирги ҳаёти билан таққослаб кўринг. Булар умумхалқ иззат-икромига сазовор бўлган, ўзининг шонли меҳнати учун муносиб равишда тақдирланаётган, замонавий маданиятнинг ҳамма бойликларидан баҳраманд бўлаётган, ўз касбидан фахрланувчи кишилардир. Запорожье, Харьков, Днепропетровск, Херсон ва Закарпатьеда — ҳамма ерда ана шундай қиёс қилиш мумкин.

Қудратли металлургия, кўп тармоқли машинасозлик, йирик кемасозлик, ривожланган химия, енгил ва озиқ-овқат индустрияси — СССР яшаб келаётган йиллар мобайнида 176 баравар юксалган ҳозирги Украина саноатининг қиёфаси ана шундай. Ҳозирги совет Украинаси юксак даражада механизациялашган йирик қишлоқ хўжалиги ўлкаси хам бўлиб қолди. Бу ерда ажойиб илм-фан марказлари ҳам барпо этилиб, маданият ва санъат буюк ютуқларга эришди. Буларнинг ҳаммаси — Украина меҳнаткашлари сарфлаган катта шаҳаримизда кўпгина миллатларнинг вакиллари ёнма-ён яшаб меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатда турли миллат фарзандларидан иборат оилалар кўпайиб бормоқда — бундай оилалар миллион миллионлаб ҳисобланади.

Ҳар бир миллий республиканинг иқтисодий ва социал ривожи нақадар интенсив бўлса, у ерда бутун турмушимизнинг интернационалашув жараёни шу қадар яққол намоён бўлмоқда. Масалан, гуркираб ривожланаётган совет Қозоғистонини олиб кўрайлик. У ерда ҳозир қозоқлар билан бирга миллионлаб руслар, юз минглаб украинлар, ўзбеклар, белоруслар ва бошқа миллатлар яшамоқдалар. Қозоқ маданияти рус, украин ва бошқа халқлар маданиятининг энг яхши ҳислатларини ўзига сингдирган ҳолда ривожланиб, бойиб бормоқда. Бу — ёмонми ёки яхшими? Биз, коммунистлар: яхши, жуда соз! — деб дадил жавоб берамиз.

СССР яшаб келаётган ярим аср мобайнида бизда ўзининг руҳи ва принципиал мазмуни жиҳатидан яхлит Совет социалистик маданияти вужудга келди ва равнақ топди. Бу маданият Ватанимиздаги халқлардан ҳар бирининг маданияти ва турмушидаги энг қимматли фазилатлар ва анъаналарни ўзига сингдириб олган. Айни вақтда совет миллий маданиятларининг ҳар бири ўз чашмаларидангина баҳра олиб қолмай, шу билан бирга бошқа қардош халқларнинг маънавий бойлигидан ҳам баҳраманд бўлмоқда, ўз навбатида уларга ҳам баракали таъсир ўтказиб, уларни бойитмоқда.

Совет социалистик маданияти миллий формаларининг хилма-хиллигида умумий, интернационал белгилар тобора кўпроқ сезилмоқда. Миллий белгилар бошқа қардош халқларнинг ютуқларидан тобора кўпроқ наф кўриб, кўпаймоқда. Бу — ривожланиб борувчи жараёндир. Бу жараён социализм руҳига, мамлакатимиздаги барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Миллий тўсиқларни писанд қилмайдиган ва барча меҳнат аҳлларига баббаравар хизмат қиладиган янги, коммунистик маданият негизлари айни шу зайилда вужудга келтирилмоқда.

Бугун биз тўла ҳуқуқ билан айта оламизки, бизнинг маданиятимиз ўзининг мазмуни, ўз ривожининг асосий йўналиши жиҳатидан социалистик, ўзининг миллий шакллари жиҳатидан хилма-хил ҳамда ўзининг руҳи ва характери жиҳатидан интернационалистик маданиятдир. Шундай қилиб, совет маданияти барча халқлар вужудга келтираётган маънавий бойликларнинг узвий бирикмасидан иборатдир.

Бу — мавҳум формулалар эмас, ўртоқлар. Бу — ҳаётнинг ўзидир. Ҳозир Туркманистон ёки Молдавиядаги ўн ёки юз минглаб кишилар Пушкин ва Шевченко, Горький ва Маяковский, Шолохов ва Твардовский, Федин ва Стельмах асарларини ўз қадрдон ёзувчиларининг асарлари каби ўқимоқдалар, биладилар ва севадилар. Шота-Руставелининг қадимий ва абадий навқирон эпоси, Вилис Лацис, Абай Қўнонбоев, Чингиз Айтматовнинг ажойиб асарлари, Янка Купала, Самад Вургун, Расул Ҳамзатов, Эдуардас Межелайтис, Мустай Карим ва бошқа кўпдан кўп шоирларнинг жўшқин шеърлари рус ёки украин маданий бисотининг ажралмас мулки бўлиб қолган.

Миллатлараро алоқалар ва ҳамкорлик тез ўсаётганлиги Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатларнинг ўзаро муомала қиладиган тили бўлиб қолган рус тилининг аҳамиятини оширишга олиб бормоқда. Рус тили ҳамма эътироф қилган жаҳон тилларидан бири бўлиб қолганлиги ҳаммамизни албатта қувонтиради, ўртоқлар!

Шундай қилиб, миллий тўсиқларни бузиб ташлаш, СССР халқларининг янада яқинлашиши учун шарт-шароит яратиш иши ҳам моддий, ҳам маънавий соҳаларда олиб борилмоқда. Миллий тўсиқларни бузиб ташлашнинг аҳамияти тўғрисида Ленин неча марталаб гапирган эди. Бутун совет халқи, уни ташкил этувчи барча миллатлар ва миллий группалар тарихий тақдирининг умумийлиги, ярим аср давомида биргаликда олиб борилган кураш ва биргаликда қилинган меҳнат натижасида вужудга келган муштарак анъаналар, қараашлар, ҳаёт тажрибаси қудратли бирлаштирувчи негиз бўлиб қолди.

Совет халқининг бирлиги социалистик Ватанни ҳимоя қилиш йўлидаги қаҳрамонона жасоратларда ўзининг энг яққол ифодасини топди. Мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг иттифоқи ҳамда дўстлиги Улуғ Ватан уруши сингари жуда оғир синовга бардош берди. Бу урушда ягона совет Ватанининг ўғил ва қизлари ўз социалистик ғалабаларини шараф билан қаттиқ туриб ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга жаҳон цивилизациясини фашистлар ваҳшийлигидан омон сақлаб қолиб, шу тариқа халқларнинг озодлик курашига қудратли мадад берди. Ана шу қаҳрамонлар шуҳрати, Ватанимиз шавкатли ҳимоячиларининг шуҳрати асрлар бўйи сўнмайди.

Ҳозир ҳам Қуролли Кучларимиз социалистик Ватаннинг ишончли қалқони, коммунизм қураётган халқимиз тинч меҳнатининг посбонидир. Совет халқи ер юзида агрессия кучлари бор экан, яхши қуролланган армия бўлиши лозимлигини англаб, ўз армиясини юксак қадрлайди ва севади. Бизнинг армиямиз — алоҳида армиядир, чунки у интернационализм мактабидир, Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг қардошлик, бирдамлик ва ўзаро ҳурмат туйғуларини тарбиялаш мактабидир. Бизнинг Қуролли Кучларимиз — ягона аҳил оиладир, социалистик интернационализмнинг жонли тимсолидир.

Барча миллатларга мансуб совет кишилари жанговар шуҳрат тўғрисидаги хотира билан бирга дастлабки беш йилликлар зарбдорларининг афсонавий ишлари ва урушдан кейинги қайта тиклашнинг меҳнат қаҳрамонлиги, қўрқ эвбткорларининг жасорати ва замонамиз буюк қурилишларидаги ўз қўлами жиҳатидан мислсиз ишлар, Шимолий ва Шарқий районларни ўзлаштириш туфайли ҳам бирлашгандирлар. Бутун совет халқининг муштарак анъаналари меҳнатда ва жангда туғилди. Ҳар бир совет граждани шу анъаналар билан фахрланади ва уларни қадрлайди.

Мамлакатимизда одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келганлиги, бизнинг буюк ютуғимиздир, ўртоқлар. Биз бу бирликни мамлакатимизда ярим аср мобайнида амалга оширилган иқтисодий ва социал-сиёсий ўзгартиш-ларнинг ўзига хос умумлашган якуни деб баҳолашга ҳақлимиз.

Ўтган эллик йил мобайнида социал муносабатлар соҳасида ҳам туб силжишлар содир бўлди. Совет Иттифоқида кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши аллақачон ва абадий тугатилган. Эндиликда бутун совет халқи социалистик синфлар ва социал группалардан иборат бўлиб қолди. У мақсадлар ва дунёқараш муштараклиги билан жипслашган. Унинг мақсади — коммунизм, дунёқарашининг асоси — марксизм-ленинизмдир.

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи, ҳозирги даврнинг энг прогрессив синфи бўлган ишчилар синфи, хусусий мулкчилик психологиясидан халос бўлган колхозчи деҳқонлар, ўзларининг бутун ижодий кучларини коммунистик қурилиш ишига сарфлаётган совет зиёлилари бошқача бўлиб қолдилар.

Барча иттифоқдош ва автоном республикаларда, ҳамма миллий областлар ва округларда ишчилар синфининг каттакатта отрядлари шакилланди. Ўз моҳияти жиҳатидан энг интернационал синф бўлган худди шу ишчилар синфи мамлакатимиздаги ҳамма миллатлар ва элатларни бир-бирига яқинлаштириш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Аҳил ишлаб чиқариш коллективларига бирлашган барча миллат ишчилари ҳамма жойдаги саноат объектларини барпо этмоқдалар, темир йўлларни қурмоқдалар, каналлар қазимоқдалар, нефть қувурлари ётқизмоқдалар ва электр симларини тортмоқдалар. Бу иншоотлар мамлакатимизнинг турли районларини, иттифоқдош ва автоном республикаларни, ўлкалар ва областларни бир бутун хўжалик қилиб бирлаштирмоқда.

Ҳар бир совет республикасида, ҳар бир областда, ҳар бир катта шаҳаримизда кўпгина миллатларнинг вакиллари ёнма-ён яшаб меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатда турли миллат фарзандларидан иборат оилалар кўпайиб бормоқда — бундай оилалар миллион миллионлаб ҳисобланади.

Ленин партияси, унинг коллектив заковати ва букилмас иродаси, унинг ташкилотчилик ва раҳнамолик роли — Совет Социалистик Республикаларининг улуғ Иттифоқини тузишга замин яратган, унинг ривожига ярим аср давомида раҳбарлик қилиб келган, уни комил ишонч билан олга бошлаётган кучдир.

КПСС — ўз идеологияси ва сиёсати жиҳатидан ҳам, ўз состави ва тузилиши жиҳатидан ҳам ленинчи-интернационалчилар партиясидир. Большевиклар партияси барча миллатларнинг ишчилари ягона жанговар куч бўлиб уюшган пролетар ташкилотларини бирлаштириш принципи асосида тузилган тарихда биринчи сиёсий партия бўлди. «Партия, — деб ёзган эди В. И. Ленин 1905 йилдаёқ, — у миллий бир партиядир, деган ҳар қандай ўйни йўқотиш учун, ўзини рус партияси деб эмас, балки Россия партияси деб атади» (Асарлар 8 том, 526-бет). Бизнинг партиямиз Совет Иттифоқи тузилганидан кейин ўзини ана шу алоҳида хусусиятини таъкидлаб янги ном билан Бутуниттифоқ Коммунистик (большевиклар) партияси деб, кейинчалик эса — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси деб атала бошлади.

Партия мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг илғор вакилларини бирлаштиради. У СССР меҳнаткашлари жанговар ўртоқлиги ва дўстлигининг, бутун совет халқи бузилмас бирлигининг энг ёрқин мужассамидир. Биздаги ҳамма коммунистлар — қайси миллатга мансуб бўлмасинлар — ягона Ленин партиясининг аъзоларидир. Уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари бир хил, улар мамлакат тақдири учун баббаравар масъулдирлар.

Партия шунга эришдики, интернационализм бир гуруҳ коммунистларнинг идеалидан ҳамма миллат ва элатларга мансуб миллион-миллион совет кишиларининг чуқур эътиқодига ва ҳулқ-атвор нормасига айланди. Ижтимоий онгдаги ана шу чинакам революцион тўнтаришнинг аҳамияти бебаҳодир. Модомики, партия шундай қилишга эришган экан бу кўп жиҳатдан унинг ўз сафларида ленинча миллий сиёсатдан ҳар қандай чекинишларга нисбатан муросасизлиги билан, партия ҳамма ва ҳар қандай оғмачиликларга қарши кескин кураш олиб бориб улуғ марксизм-ленинизм таълимотини қаттиқ туриб ҳимоя қилганлиги ва ижодий равишда ривожлантирганлиги билан боғлиқдир.

Маълумки, Ленин миллий масалаларга ёндошишнинг мураккаблигини қайта-қайта таъкидлаган, айниқса оз сонли халқларнинг миллий туйғуларига нисбатан сабот-матонатли ва эҳтиёткор бўлиш зарурлиги тўғрисида, уларни интернационализм руҳида оҳиста тарбиялаш зарурлиги ҳақида гапирган эди. Аммо Ленин ҳар қандай миллат **коммунистларидан** миллий масалада аниқ ва принципиал позицияда туришни ҳамиша талаб қилди, бу ўринда ҳеч қандай сийлов ва юз-хотирчиликка йўл қўймаган эди. Ленин коммунистлар сафидаги миллатчилик ва улуғ давлатчилик шовинизмининг ҳар қандай кўринишларига қарши ҳамиша шафқатсиз кураш олиб борди.

Кўп миллатли социалистик давлатимиз 50 йилдан бери яшаб, муваффақиятли ривожланиб бораётган, совет халқи коммунистик жамият қуришга киришган ҳозирги пайтда ана шундай проблемалар тўғрисида умуман гапириш ўринлими, деб сўрашлари мумкин. Ҳа, ўртоқлар ўринли.

Боя айтганимдек биз миллий масалани революциядан аввалги ўтмишдан бизга қай тарзда қолган бўлса, шуни тўлатўкис ҳал қилдик. Лекин етук социализм жамиятида ҳам миллий муносабатлар доимо ривожланиб бориб янги-янги проблемалар ва вазифаларни ўртага қўядиган реалликдир. Партия бу масалаларга доимо эътибор бериб туради, бу масалаларни бутун мамлакат ва алоҳида ҳар бир республика маданиятларини кўзлаб ўз вақтида ҳал этади.

Шуни унутмаслик керакки, миллатчилик хурофотлари, миллий туйғуларнинг ҳаддан ташқари бўрттирилган ёки соҳталаштирилган тарзда намоён бўлиши сиёсий жиҳатдан ниҳоятда ўтмишдаги кишилар психологиясида маҳкам ўрнашиб қолган, жуда яшовчан бир ҳолатдир. Ана шу хурофотлар миллатлар ўртасидаги муносабатларда қандайдир антогонизмлар бўлиши учун объектив шарт-шароитлар мутлақо тугатилган шароитда ҳам сақланиб қолади. Миллатчилик тенденциялари миллатчиликка яқин турувчи маҳаллийчилик билан кўпинча чатишиб кетишини ҳам назардан қочириб бўлмайди.

Миллатчилик сарқитларини буржуа дунёсининг сиёсатдонлари ва тарғиботчилари ташқаридан зўр бериб қучайтиришга уринаётганлигини ҳам унутишга ҳақимиз йўқ. Бундай сарқитларнинг ҳар қандай кўринишларига синфий душманларимиз жон-жаҳдлари билан ёпишиб олиб, уни бўрттириб ва рағбатлантириб, шу тариқа мамлакатимиз халқларнинг бирлигини бир озгина бўлсада заифлаштиришга умид боғлайдилар.

Ниҳоят, ўртоқлар, бизнинг иттифоқдош давлатимизда объектив проблемалар — айрим миллатлар ва элатлар ривожининг энг тўғри йўлларини қидириб топиш ҳамда улардан ҳар бирининг манфаатини умуман совет халқининг умумий манфаатлари билан энг тўғри қўшиб олиб бориш йўлларини топиш сингари проблемалар ҳам бор. Бизнинг партиямиз шу вазифаларни ҳал этишда ҳар бир миллатни ривожлантиришга, унинг манфаатларига печоглиқ эътиборли бўлиш зарурлиги тўғрисидаги Ленин васиятига тўла-тўкис амал қилади.

Мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларни бир-бири билан янада яқинлаштириш объектив жараёндир. Бу жараённи сунъий равишда жадаллаштиришга партиямиз қаршидир. Бундай қилишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Бу жараённи совет турмушимизнинг бутун бориши тақозо этади. Шу билан бирга партия миллатларнинг бир-бирига яқинлашиш жараёнига халақит бериш, у ёки бу баҳона билан унга тўсқинлик қилиш, миллий ўзига хосликни сунъий равишда қучайтириш йўлидаги ҳар қандай уринишлар жамиятимиз ривожининг бош йўлига, коммунистларнинг интернационалистик идеаллари ва идеологиясига, коммунистик қурилиш манфаатларига зид бўлганлиги учун ҳам бундай уринишларга асло йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Ленин бу хусусда жуда равшан қилиб бундай деган эди: «Пролетариат миллатчиликни мустаҳкамлашнинг ҳеч қандайини қўллай олмайди, — аксинча, пролетариат миллий тафовутларни йўқотишга, миллий ғовларни қулатишга ёрдам қиладиган нарсаларнинг ҳаммасини, миллатлар орасидаги алоқаларни тобора мустаҳкамлайдиган нарсаларнинг ҳаммасини... қўллаб-қувватлайди», (Асарлар, 20- том, 21-22-бетлар).

Партия мамлакатни Ленин белгилаб берган йўлдан янада ривожлантириш масалаларини ҳал этишда Совет Иттифоқининг барча гражданларини интернационализм ва совет ватанпарварлиги руҳида доимо, мунтазам равишда ва чуқур тарбиялаш ишига катта эътибор беради. Ана шу икки тушунча биз учун бирдан бир ажралмас яхлит бир тушунчадир. Ўзўзидан равшанки, совет турмушининг ўзи, бутун воқелигимиз меҳнаткашларни шу руҳда тарбиялайди. Лекин бу ўринда партиянинг, сиёсий-идеология фронтидаги барча ходимларнинг онгли равишда куч-ғайрат сарфлашлари ҳам зарурдир. Бизнинг бу соҳадаги ишимиз — коммунизм қуришдаги умумий ишимизнинг ғоят муҳим қисмидир.

Ўртоқлар! Эллик йил мобайнида босиб ўтилган йўлнинг якунлари барча совет кишиларининг дилига эришилган ютуқлар учун фахрланиш ва улуғ Ватанимизнинг келажагига комил ишонч туйғуларини бахш этади.

Ярим аср мобайнида босиб ўтилган йўл бизда партиямизнинг кучига, давлатимизнинг, ажойиб халқимизнинг кучига қатъий ишонч уйғотади. Ўтмишда бизнинг социализм сари голибона юришимизни тўхтата оладиган тўсиқлар бўлмаган экан, эндиликда Совет Иттифоқи юксак чўққиларга кўтарилган ҳозирги бир пайтда бизнинг йўлимизни ҳеч ким ва ҳеч нарса тўса олмайди. Ленин партияси белгилаган ҳамма режалар ҳеч сўзсиз бажарилади!

Аср шамоли, тарих шамоли ўзининг қудратли нафаси билан социализм кемасининг елканларига куч бахш этмоқда. Бизнинг кемамиз эса тобора олга — коммунизмнинг нурафшон уфқлари сари илгарилаб бормоқда!

III. СОВЕТ ИТТИФОҚИ — ХАЛҚЛАРНИНГ ТИНЧЛИК, МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Ўртоқлар! СССР ташкил топгандан буён ўтган ярим аср мобайнида жаҳонда қўлами ва теранлиги жиҳатидан мисли кўрилмаган социал-сиёсий ўзгаришлар рўй берди.

Социалистик революция Европа, Осиё ва Америкадаги бир қанча мамлакатларда ғалаба қозонди, жаҳон социализм системаси вужудга келди. Халқаро ишчилар ҳаракати капитализм дунёсида яхши ривожланиб, ўзининг миллий шаклларини жиҳатидан хилма-хил ҳамда ўзининг руҳи ва характери жиҳатидан интернационалистик маданиятдир. Шундай қилиб, совет маданияти барча халқлар вужудга келтираётган маънавий бойликларнинг узвий бирикмасидан иборатдир.

Бу — мавҳум формулалар эмас, ўртоқлар. Бу — ҳаётнинг ўзидир. Ҳозир Туркманистон ёки Молдавиядаги ўн ёки юз минглаб кишилар Пушкин ва Шевченко, Горький ва Маяковский, Шолохов ва Твардовский, Федин ва Стельмах асарларини ўз қадрдон ёзувчиларининг асарлари каби ўқимоқдалар, биладилар ва севадилар. Шота-Руставелининг қадимий ва абадий навқирон эпоси, Вилис Лацис, Абай Қўнонбоев, Чингиз Айтматовнинг ажойиб асарлари, Янка Купала, Самад Вургун, Расул Ҳамзатов, Эдуардас Межелайтис, Мустай Карим ва бошқа кўпдан кўп шоирларнинг жўшқин шеърлари рус ёки украин маданий бисотининг ажралмас мулки бўлиб қолган.

Миллатлараро алоқалар ва ҳамкорлик тез ўсаётганлиги Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатларнинг ўзаро муомала қиладиган тили бўлиб қолган рус тилининг аҳамиятини оширишга олиб бормоқда. Рус тили ҳамма эътироф қилган жаҳон тилларидан бири бўлиб қолганлиги ҳаммамизни албатта қувонтиради, ўртоқлар!

Шундай қилиб, миллий тўсиқларни бузиб ташлаш, СССР халқларининг янада яқинлашиши учун шарт-шароит яратиш иши ҳам моддий, ҳам маънавий соҳаларда олиб борилмоқда. Миллий тўсиқларни бузиб ташлашнинг аҳамияти тўғрисида Ленин неча марталаб гапирган эди. Бутун совет халқи, уни ташкил этувчи барча миллатлар ва миллий группалар тарихий тақдирининг умумийлиги, ярим аср давомида биргаликда олиб борилган кураш ва биргаликда қилинган меҳнат натижасида вужудга келган муштарак анъаналар, қараашлар, ҳаёт тажрибаси қудратли бирлаштирувчи негиз бўлиб қолди.

Совет халқининг бирлиги социалистик Ватанни ҳимоя қилиш йўлидаги қаҳрамонона жасоратларда ўзининг энг яққол ифодасини топди. Мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг иттифоқи ҳамда дўстлиги Улуғ Ватан уруши сингари жуда оғир синовга бардош берди. Бу урушда ягона совет Ватанининг ўғил ва қизлари ўз социалистик ғалабаларини шараф билан қаттиқ туриб ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга жаҳон цивилизациясини фашистлар ваҳшийлигидан омон сақлаб қолиб, шу тариқа халқларнинг озодлик курашига қудратли мадад берди. Ана шу қаҳрамонлар шуҳрати, Ватанимиз шавкатли ҳимоячиларининг шуҳрати асрлар бўйи сўнмайди.

Ҳозир ҳам Қуролли Кучларимиз социалистик Ватаннинг ишончли қалқони, коммунизм қураётган халқимиз тинч меҳнатининг посбонидир. Совет халқи ер юзида агрессия кучлари бор экан, яхши қуролланган армия бўлиши лозимлигини англаб, ўз армиясини юксак қадрлайди ва севади. Бизнинг армиямиз — алоҳида армиядир, чунки у интернационализм мактабидир, Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг қардошлик, бирдамлик ва ўзаро ҳурмат туйғуларини тарбиялаш мактабидир. Бизнинг Қуролли Кучларимиз — ягона аҳил оиладир, социалистик интернационализмнинг жонли тимсолидир.

Барча миллатларга мансуб совет кишилари жанговар шуҳрат тўғрисидаги хотира билан бирга дастлабки беш йилликлар зарбдорларининг афсонавий ишлари ва урушдан кейинги қайта тиклашнинг меҳнат қаҳрамонлиги, қўрқ эвбткорларининг жасорати ва замонамиз буюк қурилишларидаги ўз қўлами жиҳатидан мислсиз ишлар, Шимолий ва Шарқий районларни ўзлаштириш туфайли ҳам бирлашгандирлар. Бутун совет халқининг муштарак анъаналари меҳнатда ва жангда туғилди. Ҳар бир совет граждани шу анъаналар билан фахрланади ва уларни қадрлайди.

Мамлакатимизда одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келганлиги, бизнинг буюк ютуғимиздир, ўртоқлар. Биз бу бирликни мамлакатимизда ярим аср мобайнида амалга оширилган иқтисодий ва социал-сиёсий ўзгартиш-ларнинг ўзига хос умумлашган якуни деб баҳолашга ҳақлимиз.

Ўртоқлар! Бизнинг ташқи сиёсатимиз ўз мазмуни ва мақсадлари эътибори билан синфий, социалистик сиёсат бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан буён шундай бўлиб қолаверади. Бу сиёсатнинг социалистик характери ҳам унинг тинчликсеварлигини белгилаб беради. В. И. Ленин бундай деб таъкидлаган эди: «Ишчилар ва деҳқонларга урушлар қандай катта офатлар келтиришини биз биламиз, жуда яхши биламиз» (Асарлар, 33-том, 141-бет). Ленининг чиқарган хулосаси тамомила аниқ-равшан эди. Бу хулоса бўйи куч билан тинчликни сақлашдан, тинч қурилиш ишимизга киришиб, бутун куч-ғайратни ана шу қурилишни муттасил давом эттиришга сарфлашдан иборат. Совет давлати ана шу ленинча йўлга ҳамиша амал қилиб келди. Бизнинг партиямиз ва давлатимиз Совет ҳокимиятининг ташқи сиёсат соҳасидаги биринчи ҳужжати — сулҳ ҳақидаги Декретдан КПСС XXIV съезди илгари сурган тинчлик программасигача тинчлик, халқлар озодлиги ва хавфсизлиги учун курашнинг асосий йўналишларини давом эттириб келди.

Биз қарийб чорак асрдан буён, яъни иттифоқдош Совет давлати ҳаётининг салкам ярми мобайнида якка эмас, балки, қардош мамлакатлар билан умумий бир сафда бормоқдамиз. Биз жаҳон социализм системасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни халқаро майдондаги энг муҳим вазифамиз, деб ҳисоблаганлигимизни ҳамиша айтиб келдик.

Халқ демократияси мамлакатлари ташкил топган дастлабки, энг оғир йиллардаёқ Совет Иттифоқи уларни империалистларнинг ҳамласидан ҳимоя қилишда ҳал қилувчи роль ўйнади, уларга кўп марта зарур сиёсий ва иқтисодий мадад бериб турди. Кейинги йилларда ҳам империализмнинг душманлик кирдикорларига, унинг у ёки бу мамлакатдаги социалистик тузумга путур етказиш йўлидаги уринишларига биргаликда зарба бериш — жаҳон социалистик системасини муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бўлди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Коллектив бўлиб ҳаракат қилиш натижасида, синфий душманга қарши қаттиқ кураш социалистик давлатларнинг мустаҳкам иттифоқи вужудга келди, улар ўртасида ҳар томонлама қардошларча ҳамкорликнинг мустаҳкам системаси қарор топди. Бу ҳамкорлик мамлакатларнинг ҳар бири учун бамисоли ҳаётнинг табиий формаси бўлиб қолди. Биз кундалик, амалий ишларни муваффақиятли бажаришни, капитализм шароитида ҳал этиб бўлмаган масалаларни ҳаққоний ҳал этиш йўлларини сабр-тоқат билан қидириб топишни ўрганиб олдик. Биз ана шу иш жараёнида социалистик мамлакатлардан ҳар бирининг манфаатлари билан умумий манфаатларимизни тўғри қўшиб олиб боришни ўргандик, ҳаммамизнинг олга ҳаракат қилиб боришимизга ҳалақит бера оладиган, бу ҳаракатни қийинлаштира оладиган ҳамма ғовларни йўлимиздан суриб ташлаб, ҳамкорлик қилишни ўргандик.

Бундан ярим аср муқаддам совет республикаларини ягона ССР Иттифоқига бирлаштириш масаласи ўртага қўйилган пайтда В. И. Ленин бундай иттифоқ империализмнинг ҳарбий ҳамласига бардош бериш, революциянинг ғалабаларини ҳимоя қилиш учун ҳам, куч-ғайратларимизни биргаликда сарфлаб, социализм қурилишининг тинч бунёдкорлик вазифаларини муваффақиятлироқ ҳал этиш учун ҳам зарур, деб уқтириб ўтган эди.

(Давоми 4-бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

(Боши 2, 3-бетларда)

Бу гап принцип эътибори билан Варшава шартномасида, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида бирлашган суверен социалистик давлатларнинг қардошларча хамкорлигига ҳам тааллуқлидир. Биз аввало, империализм тақдидига, империализм вужудга келтирган агрессив ҳарбий блоклар тақдидига қарши курашиш учун, социализм ва тинчлик ишини ҳамма кучларимиз билан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқ учун ана шу ҳамдўстликни барпо этдик. Ҳозирги кунда социализм позициялари ҳар қачонгидан кўра мустаҳкамроқ деб, тинчлик иши эса кетма-кет ғалаба қозонмоқда, деб айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Аммо ҳозирги шароитда ҳам социализм мамлакатларини жипслаштириш ва уларнинг мустахкам ҳамкорлик қилишлари зарурлиги камайиб қолмай, балки аксинча, янада кучайди. Эндиликда бирлик, ҳамкорлик, биргалашиб ҳаракат қилиш бизга аввало, социалистик жамиятни ривожлантириш ва коммунизм қуриш вазифаларини тезроқ ҳамда самарали ҳал этиш учун керак. Бизга бирлик, жипслик, ҳамкорлик барча халқларга жуда зарур бўлган тинчликни муваффақиятли суратда ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, халқаро кескинликнинг юмшашини мустаҳкамлай бориш, империализмнинг ҳар қандай агрессив кирдикорларига, социализм манфаатларини камситиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга зарба бериш учун ҳам керак.

Худди мана шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи барча социалистик мамлакатларнинг жипслиги ва ҳамкорлиги учун актив курашиб келди, ҳозирда ҳам кураш олиб бормоқда ва бундан кейин ҳам кураш олиб бораверади.

Ўртоқлар! Бугун бу ерда бир қардош социалистик давлат билан муносабатимизга алоҳида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Бу қардош социалистик давлатнинг номи бутун дунё учун агрессияга қарши қаҳрамонона кураш тимсоли бўлиб қолди. Мен Вьетнам Демократик Республикасини айтмоқчиман.

Вьетнамдаги урушни Вашингтонда Америка тарихида энг узоқ давом этган уруш дейишяпти. Бу тўғри гап. Лекин бунга илова қилиб шуни айтиш керакки, бу уруш Америка тарихида маълум бўлган жамики урушлар орасида энг жирканч уруш ҳамдир.

Ҳозирги вақтда жаҳон Америка империализмининг Вьетнамдаги янги жиноятларини кўриб турибди. АҚШ урушни тўхтатиш тўғрисидаги битимни имзолашни ҳар хил бемаъни найрангларни важ қилиб сунъий равишда орқага сурмоқда. Бу ҳам камлик қилганидек, яқинда Вьетнам Демократик Республикасининг шаҳарларини бомбардимон қилишни ва унинг портларини миналашни яна бошлаб юборди.

Мана шу ваҳшийлик ҳаракатлари учун, Вьетнам халқининг қонини тўкиш давом эттирилаётганлиги учун оғир жавобгарлик АҚШ ҳукуматининг зиммасига тушади. Барча тинчликсевар давлатлар, жаҳоннинг барча халқлари каби Совет Иттифоқи ҳам бу тажовузкорлик ҳаракатларини кескин равишда ва ғазаб билан қораламоқда.

АҚШнинг Вьетнамдаги ҳарбий авантюраси барбод бўлганлиги, энди ҳаммага аён. АҚШ ҳар қанча янги ёвузликлар қилса ҳам, қаҳрамон Вьетнам халқининг иродасини бука олмайди, Вьетнам халқи дўстларининг унга адолатли озодлик кураши олиб боришда ҳар томонлама мадад ва ёрдам бериб туришга маҳкам бел боғлаганлигини бўшаштира олмайди.

Ҳозирги замон мустамлакачилари ақл бовар қилмайдиган ҳар қанча шафқатсизлик қилмасинлар империализм халқларнинг тақдирига энди илгаригидек бемалол хўжайинлик қилиш имкониятига эга эмас. Социализм иши, миллий озодлик ҳаракатининг иши енгилмасдир. Социалистик давлатларнинг, барча революционерларнинг, тинчлик ва тараққиёт учун барча курашувчиларнинг халқаро бирдамлиги ҳозирги кунда жуда катта куч бўлиб қолди .

Курашаётган Вьетнамга бераётган ҳарбий ва иқтисодий, бошқа хил ёрдамларимиз тўғрисида кўп нарсаларни айтиб бериш мумкин эди Лекин буни вьетнамлик дўстларимиз — Вьетнам Демократик Республикасининг ва Жанубий Вьетнам республикаси муваққат революцион ҳукуматининг раҳбарлари ҳаммадан кўра яхшироқ айтиб бермоқдалар.

Бу ерда бошқа бир нарсани ҳам уктириб ўтмоқ керак. Ҳинди-Хитойда уруш ўчоғини тугатишга эришиш Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг марказий вазифаларидан бири деб ҳар доим ҳисоблаб келдик. Шу сабабли биз вьетнамлик дўстларимизнинг можарони тинч йўл билан одилона бартараф қилишга эришиш йўлида қилаётган ҳаракатларига актив ёрдам бериб турибмиз.

Хуллас, Вьетнам халқи билан интернационал бирдамлигимиз ҳамма соҳаларда конкрет ишга айлантирилмоқда. Шу сабабли биз Совет-Вьетнам дўстлигини сақлаб қолмоқ ва мустаҳкамламоқ учун кучимизни аямаймиз.

Энди, ўртоқлар, Хитой билан ҳозирги муносабатларимиз тўғрисида, аниқроқ қилиб айтганда — социалистик давлатларнинг аксариятига нисбатан Хитойнинг позицияси тўғрисида гапирмоқчиман.

Хитой Халқ Республикасининг раҳбарлари СССР билан курашиш, ҳақиқатда эса бутун социалистик ҳамдўстлик билан курашиш йўлига тушиб олганликларига ўн йилдан кўпроқ бўлди. Улар социалистик ҳамдўстликни ўзларининг буюк давлатчилик ниятларини амалга ошириш йўлидаги асосий тўсиқ деб ҳисоблаб келмоқдалар.

Пекининг ташқи сиёсий йўлини очиқчасига кўрсатадиган бўлсак, ҳозирги кунда бу ташқи сиёсий йўлнинг ўзи нимадан иборат? Бу йўл Совет территориясига бемаъни даъво қилиш, СССРнинг ижтимоий ва давлат тузумига, бизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатимизга ёвуз туҳматлар ёғдиришдан иборат. Бу — қуролланиш пойгасини чеклаш борасида қилинаётган ҳаракатларга, қуролсизланиш учун ва халқаро кескинликни юмшатиш учун олиб борилаётган курашга очиқдан-очиқ тўсқинлик қилиш йўлидир. Бу йўл социалистик лагерни ва коммунистик ҳаракатни парчалаб юборишга, миллий озодлик учун курашувчилар сафига нифоқ солишга, ривожланаётган мамлакатларни Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик давлатларга қарама-қарши қилиб қўйишга доимий уринишдан иборатдир. Ниҳоят, бу йўл ҳоҳ Англиянинг қайсар консерваторлари орасидаги энг ашаддий антисоветчилар ёки Германия Федератив Республикасидаги реваншчи унсурлар бўлсин, ҳоҳ Португалия мустамлакачилари ёки Жанубий Африкадаги ирқчилар бўлсин, ҳар қандай, ҳатто энг реакцион кучлар билан ҳам антисоветизм асосида принципсиз блок тузишдан иборат йўлдир.

Аслини олганда энди Хитой раҳбарлари СССРга мумкин қадар қаттароқ зарар етказишга, социалистик ҳамдўстликнинг манфаатларини ерга уришга интилиб, буни ҳар қандай йирик халқаро муносабатларга ёндошишда бирдан-бир мезон қилиб олмоқдалар.

Бу сиёсат ҳақида нима дейиш мумкин?

Биз бу сиёсатни социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар учун гайри-табиий бўлган, фақат совет халқининг манфаатларигагина қарши бўлиб қолмасдан, Хитой халқининг ҳам манфаатларига, жаҳон социализми манфаатларига, озодлик, антиимпериалистик кураш манфаатларига, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги манфаатлари ишига қарши қаратилган сиёсат деб ҳисоблаймиз.

Ўз-ўзидан маълумки, биз бундай сиёсатни қатъиян рад этамиз.

Хитой раҳбарлари СССР томонидан қандайдир таҳдид бор, биз шундан хавотирдамиз деб гап сотишяпти. Агар бу гап мунофиқлик бўлмаса, у ҳолда бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатга ҳужум қилишига йўл қўймайдиган равшан, қатъий ва доимий мажбуриятлар олиш тўғрисида 1969 йилдан бери биз бир неча марта қилган таклифни Хитой нима сабабдан жавобсиз қолдирганлигини тушуниб бўлмайди. Агар Пекингдагилар Хитойнинг ҳавфсизлигини ўйлаб ҳақиқатан ташвишланаётган бўлсалар, нега Хитой Халқ Республикасининг раҳбарлари куч қўлланмаслик тўғрисида лойиҳаси Хитойга 1971 йил 15 январда топширилган махсус шартномани тузишга рози бўлмади? Ахир шу шартноманинг лойиҳасида, — мен айнан ўқиб бераман, — томонлар «қурол-яроғнинг ҳар қандай турларидан, шу жумладан: а) оддий қурол-яроғларни, б) ракета қуролларини, в) ядро қуролларини ишлатиш билан бир-бирига қарши қуролли куч қўлланмаяжаклар» деб жуда аниқ қилиб айтилган эдику. Хитой раҳбарларининг ақл бовар қилмайдиган «совет таҳдиди» деган афсоналари сира кураклда турмайдиган гапдан бошқа нарса эмас.

Хитойга нисбатан бизнинг сиёсатимиз яхши маълум. Бу сиёсат партия XXIV съездининг қарорларида равшан ифодалаб берилган. Биз бу сиёсатни изчиллик билан амалга оширмоқдамиз ва амалга ошираверамиз, чунки эндиликда ва келгуси реалликларни аниқ ҳисобга олишга асосланган бу йўлнинг тўғрилигига ишончимиз комил.

Совет Иттифоқининг Хитойга нисбатан территориал даъвоси ҳам, иқтисодий даъвоси ҳам йўқ. СССР билан Хитой ўртасидаги муносабатлар илгари ҳеч қачон ҳозиргидек бўлмаганлигини совет кишилари яхши биладилар. Хитой коммунистлари япон агрессорларига ва Хитой буржуазиясига қарши олиб борган курашга бизнинг мамлакатимиз катта ёрдам берганлиги маълум. Хитойни оккупация қилиб турган япон қўшинларини Совет Армияси тор-мор келтирганлиги Хитойда халқ демократик революциясининг ғалабаси учун қандай роль ўйнаганлиги ҳам маълум. Дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет Иттифоқи билан тузилган шартнома ёш Хитой Халқ Республикаси тузган биринчи халқаро шартнома бўлганлиги хитойдагиларнинг эсидан чиқмагандир. Оғир индустрияни барпо қилишда, мудофаани мустаҳкамлашда, миллий кадрларни тайёрлашда Совет Иттифоқи Халқ Хитойига нақадар катта ёрдам кўрсатганлиги ҳам хитойдагиларнинг ҳануз эсидадир.

Уша вақтлар Совет-Хитой муносабатларида яхши давр бўлган эди. Уша вақтдаги муносабатлар социалистик давлатлар учун табиий муносабатлар эди. Ҳозир ҳам биз ишонамизки, ҳар иккала мамлакатимиз халқларининг объектив манфаатлари, тарих қонунлари оқибат натижада субъектив равишдаги сиёсий бузишлардан устун бўлиб чиқади ва Совет-Хитой дўстлиги қайта тикланади.

Биз Хитойни яшнаб турган социалистик давлат ҳолида кўришни, тинчлик учун, империализмга қарши у билан биргаликда курашни истаймиз. Лекин бунинг қачон рўёбга чиқиши Хитойнинг ўзига боғлиқ. Аммо бизни ўзимизнинг принципиал марксча-ленинча йўлимиздан, совет халқининг давлат манфаатларини ва СССР территориясининг даҳлсизлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишдан, Хитой Халқ Республикаси раҳбарларининг социалистик дунёдаги ва озодлик ҳаракатидаги бузғунчилик фаолиятига қарши кескин кураш олиб боришдан чекинишга ҳеч нарса мажбур қила олмайди, албатта.

Ўртоқлар! Бутун дунёга маълумки, партиямиз, халқимиз В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини ва мустамлакачилик асоратидан қутилган мамлакатларнинг прогрессив сиёсатини актив равишда қўллаб-қувватламоқдалар. Шу билан бирга шуни уқтириб ўтмоқчиманки, янги мустамлакачиликка кескин зарба беришдан, ёш давлатларнинг суверенитетини ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларни империализмдан иқтисодий қутқариш учун, тинчлик учун, социал тараққиёт учун ҳамда давримизнинг бошқа илғор кучлари билан, биринчи навбатда социализм мамлакатлари билан бирдамликни мустаҳкамлаш учун кураш олиб боришдан иборат бўлган снёсат, бизнинг фикримизча, ҳозирги замон шароитида прогрессив сиёсатдир.

Мана шундай платформада турган давлатлар билан Совет Иттифоқи дўстлик алоқаларини ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантираверади.

Планетамиздаги тинчликсевар энг катта давлатлардан бири бўлган Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик умуман халқаро вазиятга катта ижобий таъсир ўтказмоқда. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон самарали ҳамкорлик қилиш борасида бир талай тажриба орттирдилар. Бизнинг муносабатларимиз тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида ривожланаётган ҳозирги пайтда бу тажрибалар тағин ҳам салмоқли бўлаверади, деб ўйлаймиз. Ҳиндистонда тараққийпарвар, антиимпериалистик кучларнинг позициялари мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳаммамизга маълум. Индира Ганди бошчилигидаги Ҳиндистон ҳукумати ўтказаётган йўл ҳам мана шундан далолат бериб турибди.

Осиё ва Африкадаги тинчликсевар қўшнича давлатлар билан ва биринчи галда бевосита қўшниларимиз—Афганистон, Эрон ва Туркия билан муносабатларимиз яхшиланганлигини мамнуният билан қайд қиламиз. Бангладеш ва Покистон билан мамлакатимизнинг тотувлик муносабатларини ривожлантирмоқ учун ҳам яхши истиқболлар мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Бир қанча араб мамлакатлари билан муносабатларимиз кенгайди ва ҳар томонлама муносабатлар бўлиб қолди. Воқеаларнинг бутун бориши шуни кўрсатиб турибдики, Совет Иттифоқи билан дўстлик тараққийпарвар араб давлатлари боишга тушган энг қийин пайтларда уларга зарур мадад ва ёрдам берилишини таъминлайди. Буни Мисрдагилар ҳам, Суриядагилар ҳам, Ироқдагилар ҳам, Ямандагилар ҳам яхши билишади. Биз Миср ва Ироқ билан дўстлик тўғрисида шартномалар тузганимиз, биз шу мамлакатлар билан муносабатларимизни ана шу ҳужжатларга таяниб ривожлантираверамиз. Биз. Сурия. Жазоир ва бошқа араб мамлакатлари билан ҳам дўстлик алоқаларини мустаҳкамлай беришга маҳкам бел боғлаганмиз. Халқаро аҳвол ҳозир шундай бўлиб қолдики, ялпи тинчликни реал мустаҳкамлашни истаганларнинг ҳаммаси Яқин Шарқдаги уруш ўчоғини тугатиш ва араб давлатларига қарши Исроил томонидан қилинган агрессия оқибатларини йўқотиш мақсадида тағин ҳам кўпроқ куч ва ғайрат сарфлашлари лозим. Кўпгина давлатлар Яқин Шарқ проблемаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг маълум резолюциялари асосида ҳал қилиш кераклигини айтишди. Лекин, афсуски, буни айтишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Агар улар ўзларининг бу истакларини конкрет сиёсий ишлар билан мустаҳкамлаганларида эди, Исроил можарони тинч бартараф қилишга, араб халқларининг қонуний ҳуқуқларини тан олишга мажбур бўлар эди. Совет Иттифоқига келганда бу ишга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёр эканлигимиз ҳаммага маълум.

Кейинги вақтларда Латин Америкасидаги кўпгина мамлакатлар билан ҳамкорлигимиз анча ривож топди. Ҳеч шубҳасиз, бу — шу мамлакатлар мустақиллиги мустаҳкамланганлигининг оқибатидир. Мазкур мамлакатларда жиддий антиимпериалистик ва демократик силжишлар рўй берганлигининг оқибатидир. Қаҳрамон революцион Кубанинг сиёсий позицияси Латин Америкасида анча мустаҳкамланганлиги мана шу силжишлар рўй берганлигини яққол кўрсатиб турган далилларнинг биридир. Биз бугун мана шу залда революцион Кубанинг раҳбарини, азиз дўстимиз, Ўртоғимиз Фидель Кастрони табриклаймиз.

Чили республикасининг президенти Сальвадор Альенде яқинда дўстлик визити билан мамлакатимизга келиб кетди. Антиимпериалистик сиёсат ва социал тараққиёт йўлига қатъий равишда тушиб олган мана шу давлат бошлиғи билан олиб борилган музокараларнинг якунларини муносабатларимизни ривожлантириш йўлида қўйилган янги катта қадам деб биламиз. Биз Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларнинг халқлари каби Чили халқининг ҳам ўз озодлиги учун олиб бораётган курашига чуқур хайрихоҳлик билан қарамоқдамиз. Улар бу курашда ғалаба қозонишларига аминмиз!

Ўртоқлар! Яхши маълумки, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпида янги, тараққийпарвар кучлар четдан, империализмдан мадад олаётган ички реакция билан кескин кураш олиб бормоқдалар. Жаҳон социализми билан муносабатлар ривожланиб бораётганлиги мана шу курашнинг объектларидан бири бўлиб турибди. Ўтмишнинг тажрибаси, хатто ҳозирги кундаги воқеалар ҳам шуни кўрсатиб турибдики, у ёки бу давлат ичидаги социал-сиёсий кураш ҳар қандай бурилишларга ва илон изи йўлларга олиб келиши мумкин. Буни яхши кўриб турибмиз.

Бироқ, собиқ мустамлакаларнинг ва ярим мустамлакаларнинг ватанпарварлари миллий-озодлик революцияларининг катта сиёсий мактабини ўтдилар. Бинобарин улар олган сабоқ, жумладан Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик империализмга қарши муваффақиятли кураш олиб боришга, озодликка чиққан давлатларнинг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беришини кўрсатиб турибди.

Ўртоқлар! КПСС XXIV съездида қабул қилинган тинчлик программаси Совет Иттифоқи ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга интилаётган давлатлар билан ҳамма соҳаларда мана шундай ҳамкорликни кучайтиришга тайёр эканлигини эълон қилди. Европага нисбатан бу вазифа тағин ҳам муайянроқ қилиб қўйилди: бу қитъада кескинликни юмшатиш ва тинчликка томон тубли равишда бурилиш ясаш кераклиги айтилди.

Бу қондалар халқлар коммунистик ҳаракатининг биргаликда қабул қилган платформасига ҳам тўла равишда мувофиқдир. Коммунистик партияларнинг 1969 йилги халқаро кенгаши қабул қилган ҳужжатда бутун дунёда тинчлик учун кураш коммунистлар биргаликда қилаётган ҳаракатларнинг асосий бўғини эканлиги очиқ ва равшан қилиб айтилди.

XXIV съезддан бери орада бир ярим йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Лекин ҳозирнинг ўзида ҳам биз ишонч билан айтишимиз мумкинки, партиямиз ва совет давлати тинчлик программасининг жуда муҳим қондаларини амалга оширмоқ учун бир талай ишлар қилдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан мерос бўлиб қолган проблемаларни бартараф қилмоқ, жаҳондаги сиёсий иқлимни соғломлаштирмоқ учун биз дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз билан бирга кўпгина ишлар қилдик. Кўпгина буржуа давлатлари билан, жумладан Европадаги капиталистик мамлакатларнинг аксарияти билан муносабатларимиз кескинликни юмшатиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлига тушиб олди.

СССРнинг ва қардош социалистик мамлакатларнинг қудрати ва нуфузи ошиб борган сари, тинчликсевар сиёсатимиз активлаша борган сари, шунингдек ҳозир дунёда рўй бераётган бошқа муҳим прогрессив жараёнлар ҳам ривожлана борган сари кўпгина капиталистик давлатларнинг сиёсатида реализм элементлари тобора кўпроқ сезиладиган бўлиб қолди. Бу гаплар аввало Франциянга тааллуқлидир. Унинг раҳбарлари— генерал де Голль, сўнгра эса, президент Помпиду — бир неча йилдан бери Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга қаратилган муайян йўл ўтказиб келмоқдалар. Бу гаплар Германия Федератив Республикасига ҳам тааллуқлидир. Унинг канцлер Брандт бошчилигидаги ҳукуматининг реалистик ташқи сиёсати Европадаги вазиятга анчагина таъсир ўтказди. Бу гаплар Американинг бутун ташқи сиёсат йўлини узоқ вақтлар давомида белгилаб турган «совуқ уруш» замонининг кўпгина ақидаларидан чекинишга интилиш аломатлари кўрина бошлаган Америка Қўшма Штатларига ҳам тааллуқлидир.

Бошқача қилиб айтганда, бизнинг изчил тинчликсевар сиёсатимиз ва воқеаларнинг бутун бориши капиталистик дунёни социалистик давлатлар билан тинч-тотув яшаш замирида иш олиб бориш зарурлигини эътироф қилишга астасекин олиб келмоқда.

СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида, Польша билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган, Европадаги мавжуд чегараларнинг бузилмаслигини қайд қилиб берган шартномалар, Ғарбий Берлинга доир битимлар комплекси, шунингдек Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг асослари ҳақида бугун Германия Демократик Республикасининг пойтахтида имзоланаётган шартнома, Германия Демократик Республикасини дипломатик жиҳатдан ажратиб қўйишга узил-кесил барҳам берилганлиги, — мана шуларнинг ҳаммаси Европа тинчлик ва ҳавфсизлик йўлида ривожланиб бораётганлигининг энг катта қадамлари бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси бирор кимсанинг бир томонлама ғалабаси эмас, балки халқаро муносабатларда ақл-идрок ва реализмнинг катта ғалабасидир.

Ўз-ўзидан маълумки, Европада ҳал этилиши талаб қилинаётган халқаро проблемалар ҳали ҳам бор. Масалан, Мюнхен диктатини тугатиш зарурлиги, шунингдек Германия Демократик Республикасини ва Германия Федератив Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш сингари проблемаларни айтиб ўтиш кифоя қилади. Бу масалаларни ҳал этиш Европадаги халқаро муносабатларни урушдан кейинги давр давомида оғир юк бўлиб босиб ётган мушкулликлардан муваффақиятли тозалашни ниҳоясига етказишга имкон берган бўлур эди.

Халқимиз биладики, жаҳон урушларининг иккаласи ҳам юртимизга Ғарбдан, Европадан келган эди. 1941 йилни унутганимиз йўқ. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган 20 миллион нафар ватандошларимизнинг хотираси ҳар бир совет кишисининг қалбида мукаддас бўлиб сақланиб турибди. Европадаги урушдан кейинги тартиботларнинг бузилмаслигини мустаҳкамлаш борасидаги тарихий ишни тугаллар эканмиз, биз мана шуларнинг ҳаммасини асло эсимиздан чиқармаймиз. Ҳозирги кунда ҳам биз: халқлар олиб борган антифашист озодлик курашининг натижаларидан биронтаси ҳам йўқ бўлган эмас, улуғ ғалабанинг самаралари сақланиб қолди ва мустаҳкамланди деб айтишга ҳақлимиз!

Совет Иттифоқи Европада мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлини зўр бериб давом эттираверади. Биз бу йўлни урушдан кейинги барча йиллар давомида ўтказиб келмоқдамиз ва ҳозир бу йўл совет халқини ва тинчликнинг қадр-қимматини белгиланларнинг ҳаммасини қувонтирувчи натижалар бермоқда. Биз Франция билан тотув муносабатларимизни қайта тиклаш ва ривожлантирдик. Биз Германия Федератив Республикаси билан тинч-тотув яшаш замирида иш олиб бори

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

IV. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КПСС XXIV СЪЕЗДИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ЙЎЛДАН БОРМОҚДА

(Боши 3, 4-бетларда).

Азиз ўртоқлар!

Совет халқи Ватанимиз иқтисодий ва социал тараққиётининг кенг программасини белгилаб берган КПСС XXIV съезднинг қарорларини қарийб икки йилдан буён бажариб келмоқда. Съезд қўйган вазифалар ўз кўлами жиҳатидан жуда катта ва гоят мураккабдир. Гап шундаки, биз, коммунистлар, хотиржам кишилар эмасмиз. Биз халқнинг турмушини яхшилаш учун, унинг бахт-саодати учун мумкин қадар кўпроқ иш қилишни истаймиз ва бу ишни иложи борича тезроқ бажаришни истаймиз. Партиямизнинг хусусиятларидан бири ҳам шу бўлса керак.

Партиянинг яна бир хусусияти шуки, халқ манфаатлари учун фақат ўзи курашибгина қолмай, кенг меҳнаткашлар оммасини бу курашга отлантириб, ўзига эргаштириб бора олади ҳам. Халқ ҳам партияга ўзининг юксак активлиги, оммавий меҳнат қаҳрамонлиги билан жавоб бераяпти.

Ҳозирги байрам олди ойларида ижтимоий-сиёсий соҳада ва меҳнат жараёнида кўрсатилаётган ташаббус жуда кўп ва жуда ҳам хилма хилдир. СССРнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақа давомида мамлакатимизнинг турли қисмларида, саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ажойиб ташаббуслар вужудга келди. Кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари, шаҳар, область ва ўлкаларнинг меҳнаткашлари меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан йиллик планни муддатидан илгари бажариш, корхоналар ва агрегатларнинг лойиҳада белгиланган қувватларини муддатидан илгари ўзлаштириш, ишловчилар сонини кўпайтирмаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари давлатга пландан ташқари галла ва пахта топшириш мажбуриятини қабул қилдилар. Меҳнат мусобақасининг енгил саноатда «минглар шартномаси» ҳаракати ва «15 республика — 15 зарбдор вахта» деган шиор остида бошланган мусобақа каби формалари ва бошқа кўпгина формаси вужудга келди. Ўртоқлар, буларнинг ҳаммаси халқ ташаббусининг чинакам манбаи, жамиятимиз ҳаётий кучининг битмас-туганмас манбаидир.

Коммунистик қурилиш чинакам меҳнат қаҳрамонларини, Совет ҳаётимиз образини мужассамлаштирувчи кишиларни яратмоқда. Улар юксак онгликнинг ажойиб намуналарини, меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатмоқдалар. Ўзларининг бутун кучларини, бутун маҳоратини халқ ишига бағишлаган ана шу камтар, фидокор меҳнатчиларнинг номларини бу ерда, шу минбарда туриб айтиб беришни истар эдим. Аммо, афсуски бунинг иложи йўқ. Ўртоқлар, улар минг-мингларни, ўн мингларни, миллионларни ташкил этади. Ўз ишлари билан Ватанимизнинг шуҳратини ошираётган меҳнат илғорлари бўлмаган битта ҳам коллектив, битта ҳам район, округ, область ёки ўлка, битта ҳам республика йўқ. Ватанимизнинг ана шу шонли ўғил ва қизлари коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бормоқдалар, миллионларча меҳнаткашлар улардан ибрат олмоқдалар. Совет кишилари улар билан фахрланмоқдалар, уларни улуғламоқдалар, уларга тенгламоқдалар.

Партия Марказий Комитети, жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнаткашларнинг ажойиб ташаббуси бутун мамлакатнинг мулки бўлиб қолмоғи учун кўп иш қилдилар. Кейинги ойларда матбуот саҳифалари, телевидение ва радио орқали эълон қилинган янгиликлар буюк жанг майдонининг оператив маълумотларини эслатиб турди. Мамлакатимизнинг ҳамма қисмидаги меҳнаткашларнинг турли отрядлари ўз мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида, меҳнат мусобақасида эришилган ғалабалар тўғрисида рапорт беришди.

СССР 50 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақасининг якунлари Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари ўз ваъдаларининг устидан чиқиб, шонли юбилейни меҳнатда яхши туҳфалар билан кутиб олганликларини кўрсатади. Ватан мусобақа голиблари ининг муваффақиятларини тақдирлади. Меҳнаткашларнинг уч мингдан ортиқ коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг юбилей фахрий нишонлари билан мукофотланди. Ўртоқлар, мукофотланган кишиларни муборакбод қиламиз ва уларнинг совет халқи бахт-саодати йўлида янгидан-янги шонли ишлар қилишларини истаймиз!

Биз беш йиллик иккинчи йилнинг охирини саноатнинг етакчи тармоқлари анча ўсганлигидан далолат берувчи кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдамиз. 1972 йилнинг бир ўзидагина ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг ҳажми уруғдан аввалги ҳамма беш йилликларда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдоридан икки баравар ортиқ эканлигини айтиб ўтиш кифоядир. Мамлакатимиздаги завод ва фабрикалар 1971 ва 1972 йилларда ишлаб чиқарган маҳсулот аввалги, саккизинчи беш йилликнинг дастлабки икки йилда тайёрланган маҳсулот миқдоридан бир ярим баравар знёд бўлди.

Совет халқининг шу икки йил ичидаги бунёдкорлик фаолияти кўпгина янги муваффақиятлар билан якунланди. Бу муваффақиятларнинг баъзиларини қаҳли суратда тарихий муваффақиятлар деб аташ мумкин.

Енисейдаги жаҳонда энг йирик Красноярск ГЭСи тўла қувват билан «ишлаб» баҳода ишга туширилди. Бу ГЭС 6 миллион киловатт электр энергияси беради. Красноярск ГЭСининг қуввати чет элда энг йирик, деб ҳисобланган гидроэлектр станциянинг қувватидан уч баравар ортиқдир. Москва яқинидаги қадимий Тверь ерида Конаков ГРЭСи тўла қувват билан иш бошлади. Бу станция берадиган 2 миллион 400 минг киловатт ва кейинги йилларда ишга туширилган Ладога ГРЭСи, Саратов ГЭСи ва Эстония ГРЭСининг жами берадиган 4 миллион киловатдан ортиқ электр энергияси — буларнинг ҳаммаси биргаликда Совет Иттифоқининг Европа қисмидаги энергетика хўжалигига қўшилган катта ҳиссадир.

1972 йил январь ойида Тольятти шаҳрида СССР 50 йиллиги номли Волга автомобиль заводининг иккинчи навбати ишга туширилди. Бу заводнинг учинчи навбати байрам арафасида қўриб битказилди. Неча ўн минслаб малакали ишчилар, техниклар, инженерлар меҳнат қилаётган бу замонавий корхона эндиликда йилига 660 минг та енгил автомашина ишлаб чиқара олади. Бу — автомобилсозлик саноатимизнинг катта ютуғидир.

Бошқа бир гигант — Кама дарёси соҳилларидаги Набережний Челнида оғир юк автомобиллари заводи қурилиши ҳам кенг авж олиб кетди.

Мамлакатнинг нефть ва газ саноати юксак суръатлар билан ўса борди. Совет кишилари Ғарбий Сибирь, Қозоғистон, Ўзбекистоннинг ер ости конларини дадил очиб, битмас-туганмас бойликларни ҳосил қилмоқдалар. Ўтган икки йил мобайнида қўйилган тўрт ярим миллион тонна кўп нефть қазиб чиқарилди. Бу — 1950 йилда СССРда қазиб чиқарилган бутун нефть миқдоридан кўпдир. Ўсиш суръатларимиз, ишимизнинг кўламлари ана шундай!

Энди қишлоқ хўжалигимиз тўғрисида. Ўртоқлар, сизларга яхши маълумки партиямиз, давлатимиз ва бутун совет халқи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мустаҳкам суръатда ўстиришни таъминлаш учун кўп куч-ғайратларини сарф қилмоқдалар. 1965 йил март пленуми ва партиянинг шундан кейинги икки съезди қарорлари асосида саккизинчи беш йиллик даврида кўп иш қилинди.

Умуман олганда биз қишлоқ меҳнатчиларини қишлоқ хўжалигини юксалтиришдан манфаатдор қила олдик. деҳқончилик ва чорвачилик рентабеллигини маълум даражада оширишга муваффақ бўлдик. Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси ва экономикаси мустаҳкамланди, ҳосилдорлик ва чорвачилик маҳсулдорлиги анча ўсди.

Бу — масаланинг иқтисодий томони. Аҳамияти бундан ҳам кам бўлмаган бошқа, социал жиҳати шундан иборатки, шу йиллар ичида қишлоқ меҳнаткашларининг, яъни совет халқи талайгина қисмининг турмуш даражаси жиддий суръатда юксалди.

Ҳозирги босқичда партиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатининг уч асосий таркибий қисми — комплекс механизациялашдан, химиялаштиришдан ва ерларни кенг кўламда мелиорациялашдан иборат. Биз бу ишга илгари ҳеч качон қишлоқ хўжалигига ажратиб берилмаган миқдорда кўп маблағ ажратдик. Белгиланган планлар ҳамма соҳаларда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги трактор заводларининг деярлик ҳаммаси ва қишлоқ хўжалик машинасозлигининг бошқа заводлари реконструкция қилинмоқда, қишлоқ хўжалик техникасининг гоят қувватли, гоят унумли ишлайдиган янги хиллари вужудга келмоқда. Шу беш йилликда мамлакатда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни 1,6 баравар кўпайтириш мўлжалланди. Совет Иттифоқининг турли районларидаги ерларни суғориш ва ернинг захини қочириш соҳасидаги ишлар авж олдириб юборилди ва тобора кенгайтирилмоқда.

Маълумки, 1972 йилда оби-ҳаво шароити жуда оғир келди. Бундай ҳол илгари жуда кам учрар эди. Қор ёғмаган қаҳратон қишдан кейин мамлакатимизнинг кўп районларида мисли кўрилмаган қурғоқчилик бошланди. Мамлакатимизнинг Европа қисмидаги кўп майдонларда дон экинлари ва бошқа экинлар нобуд бўлди.

Партия ана шундай мураккаб шароитларда барча зарур чораларни кўрди. Партия томонидан уюштирилган ва замонавий техниканинг энг қудратли воситаларига эга бўлиб, табиат билан жанг бошлаган миллионларча совет кишиларининг онгли иродаси табиий офатларга қарама-қарши қўйилди. Барча кучлар галлани ҳеч нобуд қилмай тез йиғиштириб олишга, чорва молларни озиқа билан таъминлашга сафарбар қилинди.

Мўл ҳосил етиштирилган Қозоғистон, Сибирь ва Уралдаги бир қанча областлар меҳнатчилари зиммасига жуда катта масъулият юкланди. Тўсатдан совуқ бошланиб, қор ёғиши натижасида ҳосилнинг нобуд бўлиш эҳтимоли райдо бўлганлиги сабабли бу ерларда ўрим-йиғимни ҳеч ҳаялламай тез ўтказишни таъминлаш муҳим вазифа эди. Мамлакатнинг шарқий районларидаги қишлоқ меҳнаткашлари орасида «Ҳар бир соатни ғанимат билиб, галланинг бир граммини ҳам нобуд қилмайлик!», деган жанговар шиор остида ҳаракат вужудга келди. Галла учун чинакам жанг авж олиб кетди.

Сибирликлар, уралликлар, Қозоғистон меҳнаткашлари бўш келмадилар, мамлакатнинг умид ва ишончини оқладилар. Улар мўл ҳосил етиштирдилар ва ўрим-йиғимда фидокорона меҳнат қилдилар. Қозоғистон қишлоқ хўжалик меҳнатчилари Ватанга 17 миллион тоннадан ортиқ, яъни бир миллиард пуддан знёд дон бердилар, Сибирь ва Урал галлакорлари давлат хирмонига қарийб 17 миллион тонна дон тўкдилар, шу билан бирга Олтой ўлкасининг бир ўзигина 5 миллион тоннадан знёд дон топширди. Россия Федерациясининг маркази ва жанубидаги бир қанча областлар ҳамда автоном республикалар, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқбўйи республикалари, Закавказье ва Ўрта Осиёдаги колхоз ва совхозлар юксак ғайрат ва уюшқоқлик билан ишлаганликлари туфайли мўл ҳосил йиғиштириб олдилар ва давлатга дон сотиш планларини ошириб бажардилар.

Бунинг натижасида мамлакатда йиғиштириб олинган ялпи дон ҳосили 168 миллион тоннага етди ёки 10,3 миллиард пуддан ҳам ошиб кетди. Бу — саккизинчи беш йилликда йиғиштириб олинган ўртача йиллик дон ҳосили миқдоридан бирмунча ортиқдир. Давлат йўли билан эса 60 миллион тонна дон тайёрланди. Бу — қатъий планда белгиланган миқдорга баравар бўлса ҳам, аммо биз озми-кўпми нормал шароитларда олишни кўзда тутган миқдордан камроқдир, албатта.

Ажойиб пахтакорларимиз тўғрисида алоҳида гапирмай бўлмайди. Бу йил уларнинг меҳнати ҳам енгил кўчмади. Пахта учун ҳам оби-ҳаво шароити оғир келди. Аммо бу ҳол мамлакатнинг оқ олтин ҳосил қилувчиларини чўчитмади. Партия йиғилишларида, ишлаб чиқариш кенгашларида, Тошкентда ўтказилган республикалараро учрашувда Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Озарбайжон пахтакорлари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олишди. Улар халқимизга ўтмишда энг кўп ҳосил олинган йилдагига нисбатан кўпроқ пахта — етти миллион бир юз ўттиз беш минг тонна пахта берамиз, деб ваъда қилдилар. Улар зўр ғайрат, фидокорлик билан меҳнат қилдилар ва ваъдаларининг устидан шараф билан чиқдилар. Олинган мажбуриятлар тўла ва ошириб бажарилди. Ҳар қачонгидан энг кўп пахта ҳосили олинди. Давлатга 7,3 миллион тонна пахта сотилди. Шу жумладан Ўзбекистоннинг бир ўзигина 4 миллион 700 минг тонна пахта топширди.

Ўртоқлар, мамлакатимиз колхоз ва совхозларининг меҳнатчилари халқнинг эҳтиёжларини яхши англаб партиянинг даъватига конкрет ишлар билан, меҳнат зафарлари билан жавоб бермоқдалар, деб айтиш учун тўла асосга эгамиз. Партия, совет халқи уларнинг жасоратига юксак баҳо берадилар. Шуни мамнуният билан айтамизки, қишлоқ хўжалик илғорларининг катта бир группаси яқинда орден ва медаллар билан мукофотланди, улардан кўпига Социалистик Меҳнат Қаҳромони унвони берилди. Ана шу ажойиб меҳнатчиларга шон-шарафлар!

Ўртоқлар, қишлоқ хўжалиги учун жуда ноқулай келган шу йилнинг тажрибаси мамлакатимиз нақадар ўсганлигини, ривож топган социалистик жамиятимиз нақадар соғлом ва нақадар мустаҳкам эканлигини яна бир марта яққол кўрсатди.

Революциядан илгариги даврда ёки Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ана шундай қаҳратон қиш ва узоқ давом этадиган қурғоқчилик бўлганида у, муқаррар равишда мамлакатнинг кўпгина районларида энг ёмон оқибатларга, фалокатларга сабаб бўлар эди. Эндиликда бўлса ҳаёт шуни кўрсатиб турибдики, биз шу хилдаги қийинчиликларни бартараф қилмоқ учун куч-қудратга эгамиз. Илгари офат келтирган нарсалар эндиликда оғир бўлса ҳам, тараққиётимиз йўлида бартараф қилиниши мумкин бўлган гов бўлиб қолмоқда.

Олимлар ва мутахассисларнинг чамалаб кўришича, 1955 йил агротехникаси даражасини эътиборга олганда, шу йилдагидек оби-ҳаво шароитида ҳозирги экин майдонларидан атиги 90 миллион тоннага яқин дон олишимиз мумкин эди. Биз бу йил 168 миллион тонна дон олган эканмиз, шуни ўзиёқ катта ғалабадир. Бу — деҳқончилик маданияти юксалганлигини ва колхозчилар, совхоз ишчилари, агрономлар меҳнати уюшқоқлиги ўсганлигини кўрсатувчи далил бўлиб, саноатимиз қишлоқ хўжалигига берган катта ёрдами натижаси, қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида биргаликда сарф қилган куч-ғайратларимиз натижасидир.

Дон ва картошка ҳосили яхши унмаганлиги сабабли анча зарар кўрдик, албатта. Аммо бу зарарнинг ўрни қишлоқ хўжалигида ҳам, саноатда ҳам зўр ғайрат билан қилинадиган меҳнат билан қопланиши мумкин ва копланиши керак. Қийинчиликлар, шубҳасиз бор, аммо мамлакатимиз ва унинг гражданларининг нормал ҳаёт кечиришига ҳалал етмайди. Биз аҳолини таъминлашнинг зарур даражасига эришмоқ учун бундан буён ҳам тегишли чораларни кўраверамиз.

Ўртоқлар, партиянинг қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ғаратилган йўли тўғри йўл эканлигини ўтган йил жуда яққол тасдиқлади. Айни вақтда ўтган йил белгиланган тадбирларни тезроқ амалга ошириш кераклигини, бу соҳада кўпроқ куч-ғайрат сарфлаш зарур эканлигини ҳам аниқ, равшан кўрсатиб турибди.

Ҳозир бу йилнинг тажрибаси агротехниканинг барча талабларига риоя қилинган, уруғчилик яхши йўлга қўйилган, ўғит тўғри ишлатилган, сув хўжалиги қурилишидан тўғри фойдаланилган хўжаликларга табиат инжиқликларидан камроқ зарар етганлигини кўрсатди. Хуллас, ишлар яхши уюштирилган жойда қурғоқчилик оқибатлари ҳам уччалик оғир бўлмади. Табиат табиат-куя, лекин иш ишлигича қолаверади. Хўжалик юритишнинг юксак маданияти, актив, фидокорона меҳнат табиий офатларга қарши курашнинг энг яхши қуролидир.

Партия томонидан қўйилган мақсад шуки, қишлоқ хўжалигимизни замонавий техника имкониятларига ва коммунистик қурилиш эҳтиёж-талабларига чинакам муносиб даражага кўтариш керак. Биз қишлоқ меҳнатчиларининг аҳиллик билан меҳнат қилиши, саноатнинг қишлоқни тобора кенг кўламда қўллаб-қувватлаши, бутун халқнинг қувғайрати билан партия раҳбарлигида бу мақсадга эришамиз.

Совет кишиларининг саноатдаги ва қишлоқ хўжалигидаги фидокорона меҳнати, уларнинг ўз меҳнатлари билан қўлга киритадиган муваффақиятлари халқ фаровонлигини ўстириш юзасидан партия съезди маъқуллаган программани мутасил бажариб бориш имкониятини тўғдиради. Ўртоқлар, бу йўлда амалга оширилган кўп тадбирлардан яхши хабардорсиз. Бу ерда иккита рақамнигина келтириб ўтаман. 1971 ва 1972 йилларда қарийб 34 миллион кишининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялари оширилди. Шу йиллар ичида 23 миллионга яқин киши янги квартираларга кўчиб кирди.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқининг иқтисодий қудрати умуман олганда жуда тез ўсмоқда. Бу эса ҳаммамизни хурсанд қилиши муқаррар. Биз улуғ юбилей куни шу ҳақда баралла гапира оламиз ва гапиришимиз керак, Аммо, биз катта байрам кунларида ҳам, оддий меҳнат кунларида ҳам ютуқларнигина эмас, камчилик ва нуқсонларимизни ҳам яққол кўрамиз, бу камчилик ва нуқсонларни тезроқ бартараф қилмоқ учун халқнинг диққат-эътибори ва куч-ғайратларини сафарбар қиламиз. Афсуски, бизда ҳали камчиликлар йўқ эмас.

Ҳозир бу камчиликларни батафсил санаб кўрсатишга эҳтиёж бўлмаса керак. Биз, коммунистлар танқидни севадиган кишилармиз ва ана шу камчиликлар тўғрисида кўп марта кескин ва конкрет гапириб ўтганмиз. Бу камчиликларнинг энг муҳими шундан иборатки, халқ хўжалигини ривожлантиришда бой ички резервлардан, интенсив, сифат омилларидан шу вақтгача етарли даражада тўла ва самарали фойдаланилмаётир. Бир қанча тармоқларда, қўпгина корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда меҳнат самарасини, шунингдек хом ашё ва материаллар сарфини камайтириш суст бормоқда.

Ҳозирги вақтда асосий вазифа — ориентацияни кескин равишда ўзгартиришдан, хўжалиқ юритишнинг интенсив методларини ишга солишдан ва шу йўл билан экономиканинг самарадорлигини жиддий суръатда оширишдан иборат. Бунда гап меҳнат унумдорлигини ошириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўли билан, ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш йўли билан, хўжаликка сарфланган ҳар бир сўмдан, фойдаланилаётган металл, ёқилғи, цемент, ўғитнинг ҳар бир тоннасидан кўпроқ самара олиш йўли билан экономикани тобора юксак даражада ўстириш тўғрисида бораётир.

Иқтисодий сиёсатлаги бурилишнинг аҳамияти ана шундай. Партиянинг XXIV съезди шундай бурилишни талаб этган эди. Шундай асосдагина ҳозирги беш йилликда халқ хўжалиги олдига қўйилган жуда катта вазифаларни муваффақиятли суратда ҳал этиш мумкин. Экономика самарадорлигини ошириш асосидагина айни бир вақтда меҳнаткашлар фаровонлигини анча тез ўстириши, келгусида хўжаликни тез ривожлантириш имкониятларини, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини юксак даражада сақлаш эҳтиёжларини таъминламоқ учун етарли бўлган восита ва ресурсларга қидириб топиш мумкин.

Беш йиллик план топшириқларини бажариш учун зўр шижоат билан меҳнат қилиш, зўр ғайрат ва уюшқоқлик, ўртага кўйиладиган проблемаларни ҳал этишга дадил ва ижодий ёндошиш талаб этилишини партия яхши билар эди. Шунинг учун ҳам, биз бутун хўжалик фаолиятини юксак роқ даражага кўтармас эканмиз, экономика самарадорлигини ошириш сари чинакам бурилиш ясамас эканмиз, қўйилган вазифаларни ҳал этиш қийин бўлади, деб бир неча бор таъкидлаб ўтдик. Бу соҳада амал қилишимиз лозим бўлган асосий йўналишлар ҳам маълум. Бу йўналишлар планлаштиришни ва бошқаришнинг бутун системасини такомиллаштиришдан иборат. Бу йўналишлар министрликлар ва корхоналарни тигиз планни қабул қилиб, резервларни сафарбар этишга, зўр ғайрат шижоат билан ишлашга мажбур этадиган иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтиришдан иборат. Бу соҳада Госпланимизнинг, министрликларимизнинг ва бошқа ҳукумат органларининг қиладиган ишлари кўп.

Партия хўжалик фаолиятининг ё ёки бу участкасига раҳбарлик қилишни кимларга ишониб топширган бўлса, улар ана шу раҳбарлик методлари ва услубини тинмай такомиллаштиришлари керак. Улар янгиликни тўла равишда ҳис этa билишлари, ташаббус кўрсатишлари, фан-техника тараққиёти очиб борадиган барча имкониятлардан ўз вақтида фойдаланишлари лозим. Ишдаги камчиликларга, ҳар қандай бепарволикка нисбатан большевикларча муросасизлик, ресурслари ғоят кам сарфланган ҳолда халқ хўжалиги учун энг кўп самара олиш юзасидан чуқур партиявий масъулият — ҳар бир раҳбарнинг ажралмас хислатлари бўлиб қолмоғи керак.

Ўртоқлар! Биз СССР юбилейини янги йил арафасида нишонламоқдамиз. Кириб келаётган йил алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу йил бутун беш йилликнинг тақдирини кўп жиҳатдан ҳал этадиган учинчи йилдир. Вазифа шуки, келгуси йилнинг яқинида СССР Олий Совети сессиясида тасдиқланган асосий план топшириқларини муваффақиятли бажарибгина қолмай, балки уларни анча ошириб бажариш, кейинги йиллар учун зарур заминни ҳам вужудга келтириш керак.

Қандай йўл билан бунга эришиш мумкин? Аввало, бизда мавжуд бўлган катта резервлардан фойдаланиш йўли билан эришиш мумкин. Биз бу ҳақда гапириб ўтган эдик. Қатъий тежамкорлик, куч ва маблағларни ишга тушириладиган объектларга тўплаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш жараёнида уюшқоқликни кучайтириш йўли билан бунга эришмоқ керак.

Лекин қиладиган ишларимизнинг ҳаммаси шулардангина иборат эмас. Станок ёнида ёки далада, чорвачилик фермасида, илмий тадқиқот институтида ёки хизмат соҳасида меҳнат қилувчи киши ўз қалби, ўз юрагининг ҳароратини ишга бағишламас экан, энг яхши режалар ҳам бажарилмай қолаверади. Юксак даражада уюшган меҳнат ғайрати ўз мамлакатига, социалистик Ватанга муҳаббат туйғулари билан қўшилиб кетсагина мўъжизалар ярата олади. Бизда биринчи беш йилликлар даврида, Улуғ Ватан уруши йилларида, урушдан кейин тиклаш ва тинч қурилиш йилларида, оммаларнинг қаҳрамонлиги ва меҳнат ғайрат-шижоати билан тўлиб-тошган йилларда шундай бўлган эди.

Ҳозирги кунда ҳам мамлакатимизда социалистик мусобақа тўлқини кенг қулоч ёйди. Илғор коллективлар, фермалар, бригадалар, колхоз ва совхозларнинг ходимлари чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан мажбуриятлар олишди. Краснодар ўлкасининг меҳнаткашлари дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақа ташаббускори бўлдилар. Илғор корхоналарнинг меҳнаткашлари саноат, қурилиш ва транспортнинг ҳамма соҳаларидаги ишда юксак кўрсаткичларга эришмоқ учун социалистик мусобақага қўшилдилар.

Шу муносабат билан ишнинг ушбу жиҳатига эътиборни жалб этмоқчиман. Социалистик мусобақа оммаларнинг жонли ижоди бўлиб, илғорларни актив қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнигина эмас, балки орқада қолган ёки етарли даражада ҳалол меҳнат қилмаётган кишиларни ҳам аниқ билиб олишни талаб этади. Бу ишни ҳамманинг кўз олдида ошкора бажариш керак, токи кишилар бутун куч-ғайратларини сарф қилиб ишлаётганларнигина эмас, балки хўжа кўрсинга, қўл учи билан ишлаётганларни ҳам билиб олсинлар Бизда шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, баъзи кишилар мажбуриятлар қабул қилинган вақтда шовқин-сурон кўтарадилар, аммо мажбуриятларнинг бажарилиш якунларини тўпланган чоқда, айниқса бу якунлар жуда ҳам кўнгилдагидек бўлмаганда индамай туравердилар. Оқибат натижада қолиб чиққанларни ҳамма билади-ю, орқада қолганлар гўё йўқдек туюлади. Бунинг натижасида мусобақанинг моҳияти унутиб юборилади. Мусобақа аслини олганда меҳнат мусобақаси, меҳнат рақобати бўлиб бу омилларга В. И. Ленин алоҳида эътибор берган эди.

Ишни шундай ташкил этмоқ керакки, юксак меҳнат унумдорлиги учун, ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқ учун, маҳсулотнинг юқори сифати учун кураш умумхалқ иши бўлиб қолсин.

Биз шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашларига мурожаат қилиб, шу гапларни очиқ айтамиз: Ўртоқлар, 1973 йил планини бажариш сизларга боғлиқдир! Ишчилар синфимиз, деҳқонларимиз, зиёлиларимиз партиянинг даъватига янги меҳнат зафарлари билан жавоб берадилар, беш йиллиқнинг учинчи ҳал қилувчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар, деб ишонамиз.

Ҳурматли ўртоқлар, биз диққат-эътиборимизни ҳозирги пайтнинг актуал вазифаларига қаратганимиз ҳолда, олга қараб қилаётган ҳаракатимизнинг истиқболларини эсдан чиқармаймиз. Большевиклар буни ҳеч қачон эсдан чиқарган эмаслар. Ленин 1918 йил апрель ойида, Совет ҳокимияти эндигина ўрнатилган, гражданлар уруши олови ҳали аланга олиб турган ва вайронгарчилик ҳукм сурган бир пайтда «Россия саноатини қайтадан қуриш ва уни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш планини мумкин қадар тезроқ тузиш»га (Асарлар, 27-том, 330-бет) даъват этди. Шундай қилиш табиий ва зарур эди, чунки Октябрь революцияси социализм қуриш учун қилинган эди, социализм эса экономикани илмий асосда планлаштириш билан чамбарчас боғланган.

Совет Иттифоқи коммунизм қуриш йўлидан бораётган ҳозирги кунларда хўжалик ва социал тараққиётни узоқ муддатга мўлжалланган, илмий жиҳатдан асослаб берилган тарзда планлаштириш айниқса зарурдир. Бундай шароитда узоқ муддатларга мўлжалланган перспектив планлаштириш ҳақиқатан ҳам ҳаётий муҳимдир. Бу эса КПСС XXIV съезди қарорларида ўз ифодасини топганлиги ҳаммага маълум.

Съезд йўл-йўриқларига биноан КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети бу йил Совет Иттифоқи халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1990 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли перспектив планини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шу планни тузиш юзасидан 1975 йилгача давом эттириладиган иш энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифа бўлади. Ленин ГОЭЛРО планн муносабати билан халқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли программаси — аслида партиянинг иккинчи программасидир, деган эди. Бу ҳолда ҳам биз ишга ана шу нуқтаи назардан ёндошишимиз лозим, деб ўйлаймиз.

Ҳозир перспектив планнинг конкрет мазмуни тўғрисида, унинг рақам кўрсаткичлари ҳақида гапириш қийин, албатта. Бу — планни илмий асосда пухта ишлаб чиқиш вазифасидир. План органларимиз обдон ишлашлари, партия билан мамлакат олдида жиддий имтиҳондан ўтишлари лозим бўлади. Бундай ишда субъектив истаклар ва ҳомаки чамалар бефойда бўлиши бир ёқда турсин, ҳатто хатарлидир. Лекин перспектив планнинг асосий йўналишлари, тарихий манзараси равшан, Булар партия программасида ва унинг сўнгги съезди қарорларида ўртага қўйилган иҳтиҳоий-сиёсий ва иқтисодий вазифалар билан, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ва совет халқининг турмуш даражасини анча ошириш вазифалари билан белгиланади.

Равшанки, бизнинг перспектив планимизда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан бутун халқ манфаатлари йўлида кенг фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини янада жуда кўп ўстириш ҳам кўзда тутилади, чунки бу, В. И. Ленин таъкидлаб айтганидек «Янги иҳтиҳоий тузумнинг енгиб чиқиши учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарсадир». (Асарлар, 29-том, 442-бет).

Мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларни энг рационал жойлаштиришни пухта ўйлаб қўйиш лозимлиги ҳам равшан. Мамлакатимиздаги миллий республикаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаларини баробарлаштириб олиш вазифаси асосан ҳал этилган ҳозирги вақтда биз иқтисодий масалаларга аввало, умуман давлат манфаатлари нуқтаи назаридан, СССРнинг бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш — равшанки, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан ёндошиш имкониятига эгамиз.

Ниҳоят, перспектив план ҳозирги халқаро вазиятнинг халқаро меҳнат тақсимотини кенг кўламда ривожлантириш ва аввало социалистик мамлакатларнинг иқтисодий интеграцияси сингари биз учун қулай бўлган хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши керак.

СССР экономикасини 1990 йилгача ривожлантириш планини ишлаб чиқиш хусусидаги баъзи бир мулоҳазалар ана шулардан иборат. Биз бу планни амалга ошириб, совет халқининг фаровонлигини шундай бир юксакликка кўтаришимиз лозимки, бу юксаклик тузумимизнинг ижтимоий ҳаёт ҳамма соҳаларидаги имкониятлари ва афзалликларини ҳаммага, хатто энг ашаддий ноумидларга ҳам яққол кўрсатиб туради. Шу даврда Совет Иттифоқида фан ва маданият соҳасида, инсон шахсини ҳар томонлама камол топдириш ва халқ соғлигини сақлаш соҳасида янги катта қадамлар қўйилиши шубҳасиз. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки ҳамма планларимизни тузиш вақтида: ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун деган шиор партия билан Совет давлатининг энг асосий шиори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Биз ана шундай мақсадлар сари бормоқдамиз, ўртоқлар. Дунёда биринчи голиб социализм мамлакатида ана шундай уфқлар очилмоқда. Сиз билан биз бугун 50 йиллигини нишонлаётган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи олга томон ана шундай одим ташламоқда.

Ўртоқлар! Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишида олга силжиш билан, халқ фаровонлиги даражасини ошириш билан бирга одамлар онгини шакллантириш, ҳар бир совет кишисида коммунизм онгини учун зарур бўлган ҳислатларни тарбиялаш вазифаси тобора каттароқ аҳамият касб этмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида халқнинг маънавий ҳаёти, унинг маданий савияси беқиёс бойиди, унинг сиёсий онги ўсди. Октябрдан кейинги бутун тарихимизнинг бориши совет кишиларида нақадар юксак маънавий-сиёсий фазилатлар вояга етказилганлигини, озод, онгли меҳнатчи, ватанпарвар ва интернационалист бўлган совет кишиси нақадар сўнмас жасоратлар қилишга қодир эканлигини кўрсатди. Социализмнинг энг бебаҳо ғалабаларидан бири ҳам ана шундан иборат.

Лекин буларнинг ҳаммасидан, социалистик жамиятимиз олдида турган сиёсий-тарбиявий ва мафкуравий вазифалар ҳал қилиб бўлинди, деган маъно келиб чиқмайди. Сир эмаски, бизда ўтмишдан сарқит бўлиб қолган, ўз моҳияти жиҳатидан социализмга зид бўлган социал иллатлар — меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмаслик, ландовурлик, интизомсизлик, юлғичлик, социалистик жамият нормаларини турли йўсинда бузиш сингари иллатлар кўпинча сезилиб қолмоқда. Бутун жамиятнинг эътиборини ана шу ҳодисаларга қаратишга, халқни шу иллатларга қарши кескин курашишга, уларни бартараф этишга сафарбар қилишга қаратишни партия ўзининг бурчи деб ҳисоблайди, чунки бундай қилмай туриб, биз коммунизм қура олмаймиз.

Коммунизмнинг том моҳияти шу билан белгиланадики, гражданлар юксак даражада онгли ва жамият олдида масъулият ҳиссини сезадиган, юксак ахлоқий сифатларга эга бўладилар. Айни шунинг учун ҳам барча гражданларни иҳти

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДОКЛАДИ

(Боши 2, 3, 4, 5-бетларда).

Лекин ҳаёт олга боряпти. Конституция қабул қилинган-дан бери ўтган ўттиз беш йил ичида совет жамиятининг ривожланишида, жаҳоннинг ривожланишида, синфий кучларнинг халқаро майдондаги жойлаштирилишда принципиал ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришларнинг асосий моҳияти инмадан иборат бўлди? Қисқа қилиб айтганда, бу моҳият қуйидагилардан иборат.

Социалистик экономиканинг асослари ўрнида энди биз шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам техника билан яхши таъминланган етук ҳужалик системасига эгамиз. Бу система ғалаба қозонган социализм шароитида, яъни 1936 йилги Конституция қабул қилинганидан кейин шаклланди.

Мамлакатимизда ишчилар синфининг етакчилик роли сақланиб қолгани ҳолда барча синфларнинг ва социал группаларнинг бир-бирига яқинлашиш жараёни сезиларли равишда содир бўлди, социалистик жамиятнинг социал бир хиллиги тобора муайян равишда қарор топмоқда. Жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги, шаҳар билан қишлоқдаги меҳнат ва турмуш шароитлари ўртасидаги муҳим тафовутлар актив равишда йўқолиб бормоқда.

Урушдан кейин жамиятимизда маданий ривожланиш соҳасида олга томон жуда катта сакраш юз берди. Эндиликда Совет мамлакати ёппасига саводхон мамлакат бўлиб қолди, ишлаб турган аҳолининг учдан икки қисми эса ўрта ва олий маълумотга эга.

Социалистик демократиянинг ривожланиши анча олдинга силжиди — ҳуқуқий тартиб мустаҳкамланди, қонунчилик ривожланди, Советларнинг роли ва активлиги ошди.

Мана шу тубли ўзгаришларнинг ҳаммаси партиямизнинг, Совет Иттифоқида Ленин партияси раҳбарлигида совет кишиларининг фидокорона меҳнати билан ривожланган социалистик жамият қурилди, деган муҳим назарий ва сиёсий хулоса чиқаришга имкон берди. Пролетариат диктатураси давлати ўзининг буюк тарихий вазифасини бажариб бўлиб, қадамба-қадам меҳнаткашларнинг умумхалқ социалистик давлатига айланди. Ишчилар синфи мана шу умумхалқ социалистик давлатининг раҳбар кучи бўлиб қолмоқда. Жаҳонда биринчи голиб социализм мамлакати коммунизм қуриш вазифаларини амалда ҳал қилишга биринчи бўлиб киришди. Совет Иттифоқининг халқаро аҳволида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди.

Ватанимиз ҳаётида рўй берган мана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси ва янги шароитда жамиятимиз олдида пайдо бўлган вазифалар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституциясида акс эттирилиши лозим, деб ҳисоблаш учун асослар бор. Биз бу тўғрида илгари гапириб ўтган эдик, бу борада тегишли тайёргарлик ишлари ҳам олиб борилмоқда. Партия Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиумининг ва Министрлар Советининг фикри шуки, эндиликда бу ишни поёнига етказиш пайти келиб қолди. Конституциянинг янги тексти тўғрисидаги тегишли таклифларни партиянинг навбатдаги съездидан олдиноқ умумхалқ муҳокамасига қўйишни мўлжаллаб турибмиз.

Ҳеч бир шак-шубҳа йўқки, бу Совет Иттифоқи ҳаётида катта тарихий воқеа бўлади. Бу воқеа эришган натижаларимизнинг моҳиятини совет кишиларининг ва бутун дунёнинг яхшироқ тушуниб олишига, босиб ўтган йўлимизни якунла шимизга ёрдам беришгина қолмасдан, шу билан бирга коммунизм сари бораётган совет социалистик жамиятимизнинг янада ривожланиши йўлини янги нур билан ҳам ёритади.

* * *

Азиз ўртоқлар! Ленин асос солган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — юзтадан кўпроқ миллатга мансуб бўлган эркин ва тенг ҳуқуқли чорак миллиард чамаси одамларнинг жонажон юрти босиб ўтган тарихий йўл жуда ажойиб йўлдир. Совет кишилари ўзларининг мана шу улуғ Ватанларини севишга, у билан фахрланишга тўла равишда ҳақлидирлар. Шу кунларда бутун Совет Иттифоқида бўлиб ўтган тантанали йиғилишларда мамлакатимиздаги барча миллатлар намояндаларининг сўзлаган нутқлари, меҳнаткашларнинг шонли юбилейга бағишлаб ёзган юз минглаб мактублари Совет Ватанига мана шундай гўзал муҳаббат ҳислари билан сугорилган.

Бундан 58 йил муқаддам, жаҳон империалистик уруши вақтида Владимир Ильич Ленин ўқимрон эксплуататор синфлар авж олдириб юборган шовинизм васвасасига миллий нифтиҳорни пролетарча, коммунистчасига тушунишни қарамақарши қилиб қўйган эди. У великороссларнинг, яъни руслар-нинг миллий ифтиҳори тўғрисида ёзиб, руслар ўз халқининг шонли революцион традицияларн билан, ўз ораларидан етишиб чиққан озодлик курашн қаҳрамонларининг жасоратлари билан ҳақли равишда фахрланишлари мумкин, деган эди. Рус халқининг содиқ фарзанди ва улуғ революционер — интернационалист Ленин миллий ифтихор ҳиссини мана шундай тушунар эди. Ленин онгли рус пролетарларини «Россиядаги барча халқларнинг пролетарларча биродарлигига, яъни социализм ишига» содиқ бўлиб қолишга даъват қилган эди. (Асарлар, 21-том, 101-бет).

Эндиликда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганидан кейин орадан ярим аср ўтгач, биз татин кенгроқ тушунча тўғрисида, бутун халқимизнинг зўр ватанпарварлик ҳисси тўғрисида — **совет кишисининг умуммиллий ифтихори тўғрисида** гапиришга тўла равишда ҳақлимиз.

Бир халқнинг иккинчи халқка нисбатан устунлиги тўғрисидаги кибрланиш фикри, айниқса миллий ёки ирқий устунлик тўғрисидаги тўлбанамо фикрлар совет кишиларига ёт ва жирканч фикрлардир. Совет кишилари интернационалист кишилардир. Уларни партия шу руҳда тарбияламоқда, уларни бутун воқелигимиз шундай қилиб тарбияламоқда. Лекин совет кишилари — қайси миллатга ёки тилга мансуб бўлишларидан қатъий назар барча совет кишилари — ўзларининг Улуғ Ватанлари билан — инсоният тарихида янги даврни бошлаб берган Ватан билан фахрланадилар, коммунистлар етакчилигида янги, чинакам адолатли ва эркин жамият қурган, кўп халқларнинг бузилмас қардошлик иттифоқини вужудга келтирган миллионларнинг фидокорона меҳнати билан фахрланадилар. Улар шу халқларнинг ўғил ва қизлари бўлган, мана шу ғалабаларни қўлга киритиш учун биргаликда олиб борган курашда ўз жонини қурбон қилган миллионмиллион қаҳрамонларнинг жасорати билан фахрланадилар. Улар озод меҳнатнинг буюк бунёдкорликлари билан, фан муваффақиятлари билан хилма-хил миллий шаклда намоён бўлаётган маданиятнинг равнақ топганлиги билан, инсониятга янги уфқларни, янги маънавий бойликларни ва идеалларни кўрсатиб берган совет халқининг бутун турмуш тарзи билан фахрланадилар.

Совет кишисининг, умуммиллий ифтихори — бу жуда катта, миқёси кенг, ўз мазмуни жиҳатидан гоят бой, ҳис-туйғудир. Бу ҳис-туйғу мамлакатимизни ташкил этган халқлардан ҳар бирининг табиий миллий ҳис-туйғуларидан чуқурроқ ва кенгроқдир. Бу ҳис-туйғу миллион-миллион совет кишиларининг меҳнати, шижоати, ижодкор даҳоси яратган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини ўзига қамраб олган.

Ишчилар ва колхозчиларнинг меҳнатдаги жасоратлари билан, ҳар бир республикамиз олимларининг буюк кашфиётлари билан, миришкорларнинг маҳорати билан, ҳар бир қардош миллат халқ санъатининг ўлмас дурдоналари билан бутун мамлакат фахрланади. Совет Иттифоқи халқларининг ҳар бири яратган ажойиб ўзига хос адабиёт, рассомлик, музика асарлари кўпдан бери ҳаммамизнинг умумий мулкимиз бўлиб қолган, ўртоқлар. Ана шуларнинг ҳаммаси ва санаб тугатиш қийин бўлган яна бошқа кўп нарсалар совет кишиларнинг битмас-туганмас ягона умумий миллий бойлигидир. Буларнинг ҳаммаси билан ҳар бир совет кишиси, кўп миллатли улуғ Ватанимизнинг барча ўғил ва қизлари, «ундаги барча эллар» ҳақли равишда фахрланадилар.

Коммунизм қуриш йўлидан нақадар олга бораверсак, СССРдаги барча халқларни бир бутун қилиб бирлаштираётган иқтисодий, маданий ва бошқа алоқалар нақадар хилма-хил ва мустаҳкам бўлаверса, буюк бирликни ҳис қилиш олижаноб туйғуси шу қадар кучлироқ ва чуқурроқ бўлаверади, биз бини совет кишисининг умуммиллий ифтихори деймиз.

Ўртоқлар! Ленининг таппабуси билан, Коммунистик партия раҳбарлигида вужудга келтирилган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг инсоният тарихига ярим аср давомида кўшган ҳиссасини айтиб ado қилиб бўлмайди. СССРда биринчи бўлиб социалистик жамият қурилганлигини, халқлар ўртасида чинакам тенг ҳуқуқли қардошлик муносабатлари нимадан иборат эканлигн биринчи амалда кўрсатиб берилганлигини барча замонлардаги барча халқлар, ҳеч шубҳасиз, абадий унутмайдилар ва абадий қадрлайдилар.

Эндиликда Совет Иттифоқи яна ҳам олга бормоқда.

Совет Иттифоқи коммунизм сари бормоқда.

Коммунизм сари олиб борадиган йўл осон йўл эмаслигини биламиз. Бу йўлда мамлакатимиз халқларининг ҳар бири ва уларнинг ҳаммаси биргаликда зўр бериб куч ва ғайрат сарфлашлари лозим бўлади. Катта ва фидокорона меҳнат қилиш, уюшқоқлик, юксак даражада сиёсий онглилик талаб қилинишини биламиз. Биз шуни ҳам биламизки, совет кишиларида ана шу фазилатларнинг ҳаммаси бор, улар ўзларининг шу фазилатларини ишга солишни биладилар, ўз олдиларига қўйилган гўзал мақсадларга эриша оладилар. Октябрнинг тилларда достон бўлиб қолган кунларида Ленин раҳбарлигида бошланган ишни охиригача етказишга ҳаммамиз маҳкам бел боғлаганлигимиз бунга гароз бўла олади. Совет халқининг ленинчи Коммунистик партиямизнинг сиёсатида ўз ифодасини топган ягона иродаси бунга гароз бўла олади.

Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи абадий омон бўлсин, мустаҳкамланаверсин ва яшайверсин!

Совет халқининг синалган авангарди — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!

Барча халқларнинг озодлик, мустақиллик ва тараққиёт иши, социализм иши омон бўлсин, ва ғалаба қилаверсин! Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик барқарор бўлсин!

Яшасин коммунизм!

(**Ўртоқ Л. И. Брежнев доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди. Доклад тамом бўлганидан кейин ҳамма ўрнидан туради, залда: «СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ШОН-ШАРАФЛАР!», «КПССга ШОН-ШАРАФЛАР!», «ЛЕНИНЧИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТГА ШОН-ШАРАФЛАР!» деган хитоблар янграйди**).

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИ

(Боши 1-бетда).

Ўртоқлар! Совет Иттифоқининг 50 йиллиги — катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Ҳозир Советлар мамлакатининг обрўси ҳар қачонгидан ҳам юқори, Советлар мамлакатининг ленинча ташқи сиёсатининг жозибадор кучи ҳар қачонгидан ҳам буюк, Советлар мамлакатининг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашга қўшаётган ҳиссаси ҳар қачонгидан ҳам салмоқлироқдир.

Халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги — бизнинг ички сиёсатимизни, шунингдек ташқи сиёсатимизни ҳам нурафшон қилиб турган идеалдир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, ишчилар синфи, Совет халқи пролетар интернационализми байроғини баланд кўтариб бормоқдалар, тинчлик, демократия, социал ва миллий озодлик учун курашаётган кучлар авангардида бормоқдалар. Шунинг учун ҳам ССР Иттифоқининг юбилейи социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг, чет эл Коммунистик партиялари, бизнинг барча кўпдан-кўп дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг байрамига айланиб кетди.

Байрамимизга жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатидан вакиллар келиб, шу залда ўтиришибди. Ўртоқлар, чет эл делегацияларининг состави сизларга маълум, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советинийг топшириғига биноан чет эллик меҳмонларимизни самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Орамизда 11 социалистик мамлакат партия-давлат делегациялари ўтиришибди. Ягона мақсад — коммунизм сари бир йўлдан ёнма-ён бораётган улуғ социалистик ҳамдўстлик халқларини мустаҳкам, чинакам қардошлик дўстлиги боғламоқда. Азиз ўртоқлар ва дўстлар, сизларни қизғин табриклаймиз!

Тантаналаримизга қўшни ва дўст мамлакатларнинг муҳтарам давлат арбоблари келишди. Ўртоқлар, уларни самимий табриклашга ижозат бергайсиз! Совет Иттифоқи мана шу давлатлар билан ўрнатган мустаҳкам, тенг ҳуқуқли муносабатлар халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларига хизмат қилавериши учун куч-ғайрат сарфлаб келди ва ҳамиша шундай қилаверади.

Биз, совет кишилари, совет коммунистлари жаҳоннинг носоциалистик мамлакатларидаги 65 та коммунистик ва ишчи партиялари вакилларини гоят тўлқинланиш ва фахрланиш ҳис-туйғулари билан табриклаймиз! Мана шу мамлакатларнинг коммунистлари жуда қийин шароитларда, реакциянинг ашаддий ҳужумларига, баъзида эса қонли репрессиялари ва террорларига дуч келган ҳолда меҳнаткашларнинг капиталга қарши, социализм учун курашига бошчилик қилмоқдалар. Азиз дўстлар ва синфдош қардошлар, мардонавор курашингизга қойилмиз, ишчи ва деҳқонларнинг биринчи давлати билан қатъий бирдамлигингизни юксак қадрлаймиз.

Биз Африка, Осиё, Араб Шарқи халқларининг мустақил ва прогрессив тараққиёт учун, янги ҳаёт қуриш учун курашига бошчилик қилаётган миллий-демократик партиялари делегацияларини қардошларча табриклаймиз! Совет халқи империалистлар ва мустамлакачиларга қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётганлар томонида ҳамиша туриб келди, халқларнинг мустақиллик ва ўз тақдирларини ўзлари белгилашдек муқаддас ҳақ-ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилмоқда.

Биз бугун юбилейимизда сўл социалистик партияларнинг кўпгина делегациялари, касаба союзларининг 70 дан ортиқ делегацияси, жаҳондаги кўп миллионли меҳнаткашлар армияси билан демократик жамоатчилиги кенг доираларининг вакиллари бўлмиш миллий ва халқаро жамоат ташкилотлари делегациялари қатнашаётганлигидан хурсандмиз. Биз шу делегацияларни табриклаб Совет кишилари халқлар тинчлиги, хавфсизлиги ва миллий мустақиллиги учун, демократия ва социал тараққиёт учун курашда ҳамиша сиз билан биргадирлар! — деб баралла айтамиз.

Азиз ўртоқлар!

Кўп миллатли совет давлатининг шонли йўли, халқларимизнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан қурилган, ривожланган социалистик жамият — марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм, партия сиёсати ҳаётий кучи тантанасининг ёрқин далилидир. Барча миллат ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларининг иродаси, куч-ғайрати ва тажрибасини мужассамлаштирган ленинчи Коммунистик партиямиз совет халқларини ягона оилага, қудратли ва буюк Совет Иттифоқига бирлаштирди.

Мамлакатимиз халқларининг дўстлиги, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини янада мустаҳкамлаш, партиянинг раҳбарлик роли — коммунистик қурилишда келгусидаги ғалабалар гаровидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисини очиқ деб эълон қиламан.

(**Ўртоқ Н. В. Подгорний нутқи бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди**).

Совет Иттифоқи гимнларининг садолари янграйди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги тўғрисида доклад қилиш учун сўз КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневга берилади.

Тантанали мажлис қатнашчилари ва чет эллик меҳмонлар Ўртоқ Л. И. Брежневни узоқ давом этган қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев доклади зўр эътибор бериб тинглади ва давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Докладнинг якунловчи сўзларини мажлис аҳли ўринларидан туриб, гулдурос қарсаклар билан кутиб олади. Залда «Совет Иттифоқига шон-шарафлар!», «КПССга шон-шарафлар!», «Ленинчи Марказий Комитетга шон-шарафлар!» деган хитоблар қайта-қайта янграйди.

Сўнгра тантанали мажлисда нутқ ва табриклар бошланди.

Москва. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда қатнашаётган иттифоқдош республикаларнинг делегациялари 20 декабрда В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйишди. Суратда: Ўзбекистон ССР делегациясининг гулчамбар қўйиш пайти.

В. ЕГОРОВ ва В. СОБОЛЕВ фотоси.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

МАВЗОЛЕЙГА ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрамида қатнашиш учун Москвага келган қуйидаги делегациялар В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбарлар қўйишди:

Австрия Коммунистик партияси, Австралия Социалистик партияси, Бангладеш Коммунистик партияси, Буюк Британия Коммунистик партияси, Бельгия Коммунистик партияси, Бразилия Коммунистик партияси, Гайана халқ Прогрессив партияси, Гватемала Меҳнат партияси, Германия Коммунистик партияси, Гондурас Коммунистик партияси, Греция Коммунистик партияси, Дания Коммунистик партияси, Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партияси, Исроил Коммунистик партияси, Ҳиндистон Коммунистик партияси, Индонезия Коммунистик партияси, Иордания Коммунистик партияси, Ироқ Коммунистик партияси, Ирландия Коммунистик партияси, Канада Коммунистик партияси, Ливан Коммунистик партияси, Люксембург Коммунистик партияси, Норвегия Коммунистик партияси, Португалия Коммунистик партияси, Пуэрторико Коммунистик партияси, Сальвадор Коммунистик партияси, Санмарино Коммунистик партияси, Сурия Коммунистик партияси, Судан Коммунистик партияси, АҚШ Коммунистик партияси, Уругвай Коммунистик партияси, Филиппин Коммунистик партияси, Финляндия Коммунистик партияси, Швецария Меҳнат партияси, сўл партия — Швеция Коммунистлари, Шри Ланка Коммунистик партияси, Эквадор Коммунистик партияси, бошқа бир қанча мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари, шунингдек «Тинчлик ва социализм проблемалари» журнали редколлегиясининг делегатлари;

Бангладеш Халқ Республикаси, Бирма Иттифоқи, Гвинея Республикаси, Замбия Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Ироқ Республикаси, Яман Халқ Демократик Республикаси, Мавритания Ислом Республикаси, Сурия Араб Республикаси, Танзания Бирлашган Республикаси, Чили Республикаси, Шри Ланка Республикаси;

«Анголани озод этиш халқ ҳаракати» партияси, Жанубий Африка Африка миллий конгресси, Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти ,Зимбабве халқи Африка союзи, Курдистон Демократик партияси (Ирок), Лаос ватанпарварлик фронти, Мадагаскар Мустақиллик конгресси партияси, Мозамбикни озод этиш фронти, Чили Социалистик партияси делегациялари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРЛАРИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ РАИСЛАРИНИ СССР ОРДЕНЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1971 ва 1972 йилларда пахта етиштириши ва давлатга пахта сотиш юзасидан халқ хўжалиги планини ошириб бажаришда қилган катта меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БУЙИЧА

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Аҳмедов Қудратилла Аҳмедович — Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитетининг биринчи секретари.

Мусахонов Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари.

Раҳимов Бектош Раҳимович — Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари.

Хўжаев Асадилла Ашрапович — Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитетининг биринчи секретари.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Асомов Салоҳиддин — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси.

Қаюмов Пўлат — меҳнаткашлар депутатлари Андижон область Совети ижроия комитетининг раиси.

Умаров Ҳамдам — меҳнаткашлар депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитетининг раиси.

Усмонхўжаев Иноятжон Бузрукович — меҳнаткашлар депутатлари Наманган область Совети ижроия комитетининг раиси.

Ҳайдуров Виктор Алексеевич — меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Совети ижроия комитетининг раиси

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1972 йил, 14 декабрь.

БУТУН ЕР КУРРАСИНИНГ БАЙРАМИ

МОСКВАДАГИ ТАНТАНАЛАР ТЎҒРИСИДА ЖАҲОН МАТБУОТИНИНГ ЕЗГАНЛАРИ

Совет Иттифоқининг эллик йиллиги — бутун жаҳон жамоатчилиги ва матбуотининг диққат марказида турибди. Газета ва журналлардаги мақолаларда, радио эшиттиришлари ва телевидение шарҳларида совет халқи ўз кўп миллатли давлатининг олтин юбилейини зўр меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазиятида, бузилмас бирлик ва КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслик вазиятида кутиб олаётганлиги таъкидлаб ўтилмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида СССРнинг эллик йиллиги тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев қилган доклад ҳамма қитъаларда зўр қизиқишга сабаб бўлди.

БЕРЛИН. Маҳаллий вақт билан арталаб соат 7 дан 55 минут ўтганда ГДР Марказий телевидениеси Москвадан бевосита кўрсатув бошлади. Телекамералар СССР ташкил этилганлигининг эллик йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисинг Кремлдаги Съездлар саройида очилишини тасвирловчи кадрларни миллион-миллион томошабиларга кўрсатди.

Телевидение билан айни бир вақтда ГДР радиоси шонли юбилейнинг байрам қилиниши тўғрисида батафсил хабарларни эшиттириб турибди.

ВАРШАВА. Польша радиосининг эрталабки сўнгги ахборотн Москвада, Кремлда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлис очилганлиги тўғрисидаги хабар билан бошланди. Обзорчилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев докладини баён этиб ва шарҳлаб, бу тарихий юбилейни совет халқи билан бирга қардош социалистик давлатларнинг халқлари, коммунистик ва ишчилар ҳаракати, бутун тараққийпарвар инсоният байрам қилаётганлигини таъкидламоқдалар.

СОФИЯ. Социалистик болгариянинг миллион-миллион меҳнатчилари кремлнинг съездлар саройида СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлисинг очилишини бевосита телевидение орқали зўр мароқ билан томоша қилдилар. София радиоси юбилейга бағишланган махсус эшиттиришида шуни таъкидладики, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ўз докладида социалистик революция туфайли дунёга келган ва ҳозир жаҳондаги энг қудратли давлатларнинг бири бўлиб қолган давлатнинг ўсиш ва ривожланиш тарихини яққол ва атрофлича кўрсатиб берди.

ПРАГА. Совет давлати ярим асрлик юбилейнинг тантанали байрам қилиниши — Чехословакия телевиденеси ва радиосининг асосий мавзуи бўлиб турибди. Телевидение Кремлнинг Съездлар саройидан бевосита кўрсатув олиб бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев докладини айни бир вақтнинг ўзида чех ва словак тилларига таржима қилиб турди. СССР ярим асрлик юбилейининг байрам қилинишн бутун дунёда қардош партиялар ва халқларнинг марксизм-ленинизм ғояларига, тинчлик ва тараққиёт идеалларига садоқатининг намойишига айланиб кетмоқда, деб таъкидланади радио обзорчиларининг шарҳларида.

ДЕҲЛИ. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги тўғрисида»ги доклади Ҳиндистонда жуда катта қизиқиш уйготмоқда.

Москвадаги тантанали мажлис ҳақидаги хабарлар Ҳиндистон радио ва телевидениси эшиттиришларида марказий ўринни олиб турибди.

ПАРИЖ. Эрталаб Франс Пресс Агентлиги СССРнинг 50 йиллигига бағишланган мажлис Кремлда тантанали, байрамона вазиятда очилганлигини хабар қилди. Франция радиоси ва телевидениеси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев докладини баён этиб ва шарҳлаб, жумладан, бу докладнинг Совет Иттифоқи Европада мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлини қунт билан давом эттира беради, деб уқтирилган қисмини алоҳида бўрттириб, кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари таъкидлаб ўтганидек, Совет Иттифоқи Франция билан яхши муносабатларни қадрлайди ва бу муносабатларни ўтган йили Франция билан СССР қабул қилган «ҳамкорлик принципларн»га мувофиқ равишда ривожлантира беради деб таъкидлайди шарҳчилар.

БОННИ. Ғарбий Германия радиоси докладда Европадаги актуал проблемаларга катта эътибор берилганлигини таъкидлаб, жумладан, унинг СССР ва ПХРнинг ГФР билан тузган Шартномаларида Европадаги мавжуд чегараларнинг дахлсизлиги ёзиб қўйилганлиги, Ғарбий Берлинга доир битимлар комплекси, шунингдек ГДР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги Шартнома — Европанинг тинчлик ва хавфсизлик йўлидан ривожланишидаги энг катта якунлардир, деб ўқтирилган қисмини алоҳида ажратиб кўрсатмоқда.

ЛОНДОН. Рейтер агентлиги СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилаётган тантанали мажлис тўғрисидаги хабарни жуда катта халқаро воқеа сифатида тарқатди. Агентлик шуни таъкидлайдики, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев докладида совет халқининг Вьетнам халқи билан интернационал бирдамлиги яна бир карра таъкидланди. Америкалик агрессорнинг қар қандай ёвузликлари қаҳрамон Вьетнам халқининг иродасини бука олмаслиги, Вьетнам дўстларининг унга одилона озодлик курашида ҳар томонлама мадад ва ёрдам бериш йўлидаги қатъиятини бўшаштира олмаслиги докладда таъкидлаб ўтилди, деб уқтиради агентлик.

(ТАСС, 21 декабрь).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.

Р. 02832